



**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Фарғона вилояти бўлими**

**Ҳаракатлар стратегияси: ислохотлар
жараёни ва оммавий ахборот
воситалари**

Анъанавий VII-Чимён ўқув медиалагери
сессияларидаги маърузалар

Фарғона вилояти, Чимён қишлоғи, 2018 йил

Масъул муҳаррир:

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ, филология фанлари номзоди

Тузувчи ва кириш сўзи муаллифи:

Муҳаммаджон ОБИДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ҳаракатлар стратегияси: ислохотлар жараёни ва оммавий ахборот воситалари (Анъанавий VII-Чимён ўқув медиалагери сессияларидаги маърузалар)

VII-анъанавий Чимён ўқув медиалагерида мамлакатнинг саккиз вилоятдан келган юздан зиёд ОАВ вакиллари иштирок этди. Унинг сессияларида таниқли олимлар, ОАВларининг тажрибали раҳбарлари ҳамда хорижий ОАВларнинг етакчи журналистлари бугунги ўзбек матбуоти ҳақида таҳлилий маърузалар қилиб тавсиялар бердилар. Мазкур ўқув-услубий қўлланмага ана шу маърузалар матни киритилган бўлиб, у журналистлар, матбуот тадқиқотчилари ҳамда журналистика факультети талабаларига мўлжалланган.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими бошқарувининг 2018 йил 4 январдаги №1 сонли қарорига кўра VII-анъанавий Чимён ўқув медиалагери материаллари ўқув-услубий қўлланма тарзида чоп этишга тавсия қилинган.

«Ҳаракатлар стратегияси: ислохотлар жараёни ва оммавий ахборот воситалари» ўқув-услубий қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Очиқлик ва холислик – бош мезон» лойиҳаси асосида чоп этилди.

КИРИШ

Ахборот технологиялари шу қадар шиддат билан ривожланиб бормоқдаки, бу аввало шу соҳа «одамлари»ни шошириб қўйди. Негаки, ўн йиллар давомида босма нашр журналистлари бир маромда яшар ва ишлар эдилар. Бугунга келиб, жиддий ўзгариш талаб қилинадиган икки сабаб қаршисида қолдилар, улар.

Биринчиси, шубҳасиз, Ўзбекистондаги сиёсий, маънавий, ижтимоий, ҳатто иқтисодий меъёрлардаги янгича мезонлар эълон қилингани. Энди «хамма нарсани юқоридагилар билади, биз ижрочимиз», дейдиган замон ўтди. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, жумладан, журналист ҳам интилиб изланиши, ички цензуранинг ҳар қандай кўринишини енгиб, воқелик ҳақида тезкор, очиқ-ошқора, холис ахборот тарқатиш, камчиликларни фош этиш ва таклифлар киритиши тақозо қилинмоқда. «Халқ қабулхонаси» тизимининг пайдо бўлиши одамларда фаолликни намоён қилишга яна бир имкон берди. Халқ бугун бахтли яшашни истайди, деган ғоя янги талаблар қўяётгани ОАВларда ҳам намоён бўлди.

Иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, ахборот технологияларининг «ютуқ»лари журналист иш усули ва қоидаларига «тузатиш» киритди. Энди ҳафталик нашр жанрлари қайта кўриб чиқилапти. Бундай босма нашрларда информациянинг ўрни ва аҳамияти ўзгарди, аниқроғи, мавқеини бой берди. Тасвирчи кўзи билан объектив йўналтирилган воқеани онлайн тарзида бутун дунё кўряпти. Ҳали энди

бошланган, давом этаётган, тугамаган воқеа ҳақида интернет хабарлари етказиб турилибди. Истеъмолчи, шубҳасиз, тезкор ахборот тарқатувчи воситаларни танламоқда. Шундай шароитда босма нашрлар тақдири, анъанавий журналистика мезонлари қай аҳволда қолади?

Анъанавий VII-Чимён медиафорумида шу ва шу каби мавзулар саккиз вилоят, бешта хорижий оммавий ахборот воситалари амалиётчи журналистлари, олимлар, Ўзбекистон матбуоти маъмурлари иштирокида муҳокама қилинди. Ушбу тўпламга анжуман маърузачиларининг чиқишларидан намуналар киритилган. У амалиётчи журналистга мулоҳаза юритиш учун манба бўлади, деган умиддамиз.

Маърузачиларнинг тўпламга киритилган мақолаларидаги барча фикрлар фақат уларнинг ўзларига тегишли экани ва ундаги айрим жиҳатлар медиалагер ташкилотчилари нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкинлигини билдирамиз.



ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИ, ЭНГ ЯҚИН ҲАМКОР



Саъдулла ҲАКИМ (Ҳакимов). 1951 йилда Жиззах вилояти Фориш тумани Гараша қишлоғида туғилган. Шу ерда ўрта мактабни тугатиб, ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини таҳсил олган.

1974 йилдан буён «Ўзбекистон социал таъминоти» журналинда, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газеталарида бўлими мудири, «Маърифат» газетасининг Бош муҳаррири бўлиб ишлаган.

1996-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ахборот маркази раҳбари, Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

2000-2003 йилларда Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги Бош директор ўринбосари, 2003-2010 йилларда «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги Бош директори, 2010-2014 йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаган. 2016 йил декабрь ойидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Барча соҳаларда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегияси асосида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида ғоят аниқ ва лўнда таъриф берилганидек, «Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз».

2017 йил Ўзбекистон ҳаётида туб бурилиш йили бўлди. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини беш устувор йўналишда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий тараққиёти истиқболларини, стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатидан янгича ёндашувни белгилаб берди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режалаштирилган.

Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, бошқа соҳалар қатори, оммавий ахборот воситалари ривожини, медиа-тузилмаларда фаолият юритаётган журналистларимизнинг билим ва малакасини, ўз ишига масъулияти ва фидойилигига ҳам боғлиқ, албатта.

Йилдан-йилга оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш кучаймоқда. Бу давлат ва нодавлат ОАВ таркибида нодавлат тармоқлари кўпайиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда. Ҳозирда 1500 дан зиёд ОАВ фаолият кўрсатаётган бўлса, барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи, газета ва журналларнинг 60 фоизидан зиёди нодавлат оммавий ахборот воситаларидан иборат.

Энг тезкор ахборот воситаси – Интернет ҳаётимизга тобора

чуқур кириб бораётир. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда – Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий тилларда фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод – Интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир.

2017 йил барча ижодий ташкилотлар қатори Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятида туб бурилиш йили бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан 2017 йил 3 август куни Тошкент шаҳрида ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» деб номланган маърузасида илгари сурилган таклифлар ва ғоялар ижодий ташкилотлар тарихида янги даврни бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 15 августдаги «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари миллий медиамухитда, чинакам маънода, катта воқеа бўлди.

Бевосита қарорлар ижроси бўйича сўз юритадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Илҳом» жамоат фондининг Устави ва Низоми тасдиқланди. Фонднинг Ҳомийлар кенгаши ташкил этилди.

«Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижросини таъминлаш доирасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Ҳар икки қарордан келиб чиқиб, Уюшма Уставига тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар тайёрланди ва навбатдан ташқари конференцияда тасдиқланди. ЎзЖИУ марказий аппарати

ва ҳудудий бўлимлари структуралари ҳамда штатлар жадвали ишлаб чиқилди ва Бошқарув йиғилиши томонидан тасдиқланди.

Бир йилнинг ўзида ҳудудий бўлимлар юридик шахс мақомига эга бўлишди. Президент қарорининг 1-бандига биноан Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан «Илҳом» ижод фондига ажратиладиган бюджет маблағлари (субсидия) ҳисобидан қопланадиган бўлди.

Қарорнинг 3-бандига биноан, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси томонидан Уюшмага хайрия асосида «Дамас» русумли автомашина ажратилди.

Қарорнинг тўртинчи бандида кўзда тутилган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда эҳтиёжманд ва фаол журналистларни имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жой ёки ер участкалари билан таъминлаш ишларини белгиланган тартибда йўлга қўйиш устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида йирик корхоналар ва ижодий ташкилотлар ўртасида Дўстлар клублари ташкил этиш ғояси илгари сурилган, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига Республика Товар-ҳом ашё биржаси ҳомий қилиб бириктирилган эди. Ҳозир икки ўртада яхши ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди.

Ўтган вақт давомида биргаликда қатор тадбирлар ташкил этилди. Хусусан, журналистлар учун матбуот анжуманлари, биржа фаолияти билан журналистларни яқиндан таништиришга қаратилган медиа-тур ва бошқа тадбирлар ўтказдик. Биржадаги дўстларимиз бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини амалий ишлари билан намойиш этмоқдалар.

Ўзаро ҳамкорлик доирасида, шунингдек, журналистлар малакасини ошириш, соҳа ходимлари ўртасида ўтказиладиган танловлар ғолибларини рағбатлантириш, Уюшма ва унинг «Хуррият» газетаси таҳририяти ва Миллий матбуот марказини

компьютер техникалари ва ахборот тизимларига техник хизмат кўрсатиш, фахрий журналистларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди. Шу ва Уюшма уставида кўзда тутилган бошқа мақсадларга Биржа томонидан 400 миллион сўм ажратилди.

Жорий йилнинг 25-27 октябрь кунлари Республика Товар-хом ашё биржаси ҳомийлигида эҳтиёжманд 15 нафар ОАВ фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларнинг ҳар бирига 300 минг сўмлик 24 хил озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Бу анъана бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Бундан ташқари, Республика товар-хом ашё биржаси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Дўстлар клуби»нинг «Дўст билан обод уйинг» веб-сайти ишлаб чиқилди, айти пайтда сайтни йўлга қўйиш, материаллар билан бойитиш устида иш олиб борилмоқда.

«Дўстлар клуби» мақсадли режа асосида Уюшманинг вилоят бўлимлари билан ҳам иш олиб боради ва уларга ҳам ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг ҳудудий бўлимлари ҳам асосий эътиборни Низомда белгиланган мақсадларга қаратган ҳолда фаолият юритдилар. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мақсад-вазифаларини тарғиб этиш, унинг доирасида олиб борилаётган ишларни кенг ёритишда ОАВнинг ролини ошириш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилди. Ҳар бир вилоятда журналистлар билан доимий мулоқотда бўлиш, ижодий изланишларни кучайтириш борасида ўзига хос мактаб шаклланганини қайд этиш жоиз.

Бу маънода мен фарғоналик ҳамкасбларимиз томонидан олиб борилаётган ижодий фаолиятга алоҳида тўхталишни истардим. Негаки, водий ҳамиша ижодий жараёнлар маркази бўлиб келган, бу заминда ижод гуллаб-яшнаган. Журналистика мисолида оладиган бўлсак ҳам, мамлакат ҳудудлари орасида оммавий ахборот воситалари сони кўплиги ва албатта сифати

жиҳатидан ҳам Фарғона етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Вилоятда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни кенг ёритишга интиломда. Улар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялаш, миллий-маънавий кадриятларнинг тикланиши, ўсиб келаётган ёш авлодни замон талаблари асосида ҳар томонлама баркамол тарбиялаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар моҳиятини аҳолининг турли қатламлари онгига етказиш борасида сермахсул иш олиб борилмоқда.

Шу ўринда фарғоналик бир қатор ҳамкасбларимиз соҳа ривожига қўшган ҳиссаси учун ватанимизнинг юксак унвон ва орден-медаллари билан тақдирланганларини ҳам қайд этмоқчиман. Шу билан бирга, вилоят журналистлари уюшма томонидан ўтказилаётган нуфузли танловларда фаол иштирок этмоқдалар ва мукофотланмоқдалар. Жумладан, 2012 йили вилоятнинг бош наشري «Фарғона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталари «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танловда бош совринга эга бўлди. Йигирмага яқин журналистлар танлов ғолиби ва совриндори бўлди. Бошқа танловларда ҳам фарғоналик ижодкорлар тақдирланмаган йил бўлмаган десак, муболаға бўлмайди.

Булар, албатта, уларнинг иқтидорлари ва сермашаққат меҳнатлари самараси. Шу билан бирга, Фарғона вилоят ҳокимлигининг журналистикага бераётган катта эътибори ва ҳамкасбларимизни қўллаб-қувватлаётгани ҳам муҳим омил бўлмоқда. Бугун Фарғонадан ўрнак олса, оммалаштирса арзийдиган кўп хайрли ишларни тилга олиш мумкин. Уларнинг энг муҳимларидан бири – бу маънавиятга, уни юксалтиришга атрофлича бўлган эътибордир. Китоб – билимлар хазинаси. Биз хабар топдикки, бир йилда Фарғона вилояти кутубхоналарига миллиард сўмликдан ортиқ китоб келтирилибди.

2017 йилда юз нафар журналист, ёзувчи-шоир, борингки, барча ижодкорнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун Чимён сихатгоҳига бепул йўлланмалар билан таъминлангани, уларнинг

50 нафари журналист экани бизни ниҳоятда мамнун этди.

Уюшмамизнинг вилоят бўлими фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ҳокимлик томонидан 20 миллион сўм пул, бўлим самарали фаолият кўрсатиши учун «Матбуот уйи»дан хоналар ажратилгани, «Нексия» хизмат автомашинаси билан таъминлангани – ҳавас қилса, эътироф этса арзийдиган ишлар.

Биз олдинги йилларда вилоятдаги барча нашрлар таҳририяти жойлашган бинолар тубдан таъмирлангани, муассис ва ҳомийлар жалб этилиб, фаолият учун зарур барча техник воситалар, компьютерми, фотоаппаратми, диктофонми ва ҳоказо, ҳаммаси билан таъминланганини ҳам биламиз. Бундай ғамхўрлик албатта ўз натижасини бермоқда. Бугун вилоятда уч нафар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист», икки нафар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», икки нафар журналист Олий Мажлис депутати – парламент аъзоси экани, 17 нафар орден ва медаллар билан тақдирланган журналистлар борлиги, 21 нафар ижодкор ҳамкасбларимиз «Офарин» ва «Олтин қалам» миллий танловимиз ғолиби ҳамда совриндори бўлганлари бежиз эмас, албатта. Қувонарлиси шуки, вилоятда Дониёр Эргашев, Абдуҷаббор Хусанов, Хадича Каримова, Абдумутал Каримов, Олимжон Ҳақимов, Ҳамиджон Бурхонов, Алишер Ибодинов каби етук журналист, ўз овози ва қаламига эга устозлар ортидан Азизбек Эрматов, Давлатжон Полвонов, Маъсуджон Сулаймонов, Ботир Мадийеров, Камола Полвонова каби янги, иқтидорли ёш авлод ўрин оляпти. Буларнинг замирида ижодкор журналистларнинг эмин-эркин, фидойилик билан қилаётган меҳнати ва маҳаллий ҳокимиятнинг ғамхўрлиги уйғунлашганини кўриш мумкин.

Уюшмамизнинг вилоят бўлими ҳақида ҳам бир оғиз сўз айтмоқчиман. Уюшманинг вилоят бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидовнинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги, жонқуярлигини алоҳида эътироф этиш керак.

Бир мисол. Етти йилдан буён ҳар йили камида 50 нафар журналистга Чимён сиҳатгоҳида малака ошириш медиалагери ўтказиб келинмоқда. Мана, бу йил унинг ишида 8 та вилоятдан

120 нафар журналист, бешта хорижий мамлакат ОАВ вакиллари иштирок этапти.

Бу залда республикамизнинг саккиз вилояти Журналистлар уюшмаси бўлими ва ОАВ раҳбарлари ўтирибди. Шунинг учун яна бир гапни айтмасам бўлмас.

Хабарим бор. Бир журналист дўстимизнинг юраги қаттиқ безовта қилиб қолди. Уни Тошкентдаги барча нуфузли шифохоналарда кўриқдан ўтказишди. Тавсия битта бўлди, Ҳиндистонда жарроҳлик амалиёти ўтказиш зарур, деган. Лекин бунинг учун анча пул керак эди. Журналист халқи жуда бадавлат эмас. Ана шундай бир шароитда фарғоналик журналистлар миллатимизга хос меҳр-оқибат кўрсатишди. Ижодий уюшмамиз вилоят бўлими банкда хайрия ҳисоб рақами очди. Биров 50 минг, биров бир миллион дегандек. Лекин бирон-бир идора, ташкилот, ҳомийга мурожаат қилмадилар. Фақат ОАВлар қўллаб-қувватлашди. Ҳиндистон клиникаси билан бевосита боғланиб, келишилган маблағ – 6 минг доллар тўплаб, ҳамкасбимизни Деҳлига юбордилар. Кўкрак қафасини очиб, 9,5 соат операция қилишибди. Мана, бугун шу инсон соғ-саломат, республика газеталаридан бирида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан бир неча ой илгари ҳам яна бир ҳамкасбимиз юраги шу йўл билан операция қилинди. Қаранг, журналистларнинг бирдамлиги нималарга қодир!

Албатта, ютуқлар ўзимизники, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни бажариш керак. Бу ўринда олдинда турган ишлар оз эмас. Хусусан, Журналистлар ижодий уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари конференциясида ҳам айтиб ўтгандим, бир қатор вазифалар борки, уларнинг ечими долзарб бўлиб турибди.

Журналистика ҳаётнинг ўзи каби мунтазам ҳаракатда. Мунтазам изланишда. Мунтазам янгилинишда. Асл журналист учун ҳар ёзгани, ҳар бир чиқишининг ўзи янгилиниш. Айни пайтда янги бир ғоя, янги бир фикр тафаккуримиз, онгу шууримизни ҳаракатга келтириб юборди, кўнгилларимизга ҳаяжон ва иштиёқ сеҳрини солмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида муҳим бир ғояни ўртага ташлади: «Биз ўз фаолиятимизни «Буюк келажак бугундан бошланади» деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур». Президент бу ҳақда гапириб, мамлакатимиз олдида турган устувор масалалар ҳақида тўхталаркан, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулиятини алоҳида тилга олди. «Оммавий ахборот воситалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳокимият идораларига етказишнинг муҳим ва таъсирчан воситасига, халқнинг энг яқин кўмакчиси ва ҳамдардига, демократия кўзгусига айланиши зарур. Ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига танқидий ва холис баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликлар, долзарб муаммоларни дадил кўтариб чиқиш улар фаолиятида асосий мезон бўлиши керак», деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида қайд этилганидек, «ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни, жойларда ташкил этилган Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасида аҳоли томонидан кўтарилаётган ўткир ва долзарб масалаларни, уларнинг сабаб ва омилларини очиб бериш, жамиятимизда танқид ва ўзини ўзи танқид руҳини кучайтириш, афсуски, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳали тўла ўз ифодасини топгани йўқ».

Бугун биз журналист қалами йил – ўн икки ой уйқу нима эканини унутган замонда яшайпмиз. Янгилик баъзан ҳали журналист оғзида эканидаёқ эскириб қолаётган даврни бошдан ўтказаяпмиз. Шиддатли замон суръати ахборот шаклу шамойилини, мазмун-мундарижасини ўзгартириб юбормоқда. Бугунги журналист – кечаги журналист эмас. Журналистикага нисбатан кўпдан буён ишлатиб келинаётган «холислик ва ҳаққонийлик» ибораси ҳам бугун янгича маъно ва мазмун касб этмоқда. Бугунги кунда ахборотнинг қанчалик рост ва ҳаққонийлиги унинг Ватан ва халқ манфаатларига нечоғли

мувофиқ экани билан белгиланаётир. Бугун дунё шундай. У журналистга таклиф этаётган тартиб-қоида шундай.

Журналистиканинг ўзгармас қоидаларидан бири шуки, бирон журналист бошқа бир мамлакат ҳаёти ҳақида сўз юритиб, муайян таклиф ва ғояни илгари сурар экан, улар замирида, энг аввало, унинг ўзи мансуб бўлган давлат ва халқнинг манфаатлари мужассам.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳаёт барчамиздан дадил ҳаракатларни, фаол ташаббусларни, ҳамма соҳада ҳаққоний ва одил муносабатни талаб этмоқда. Айрим газеталарда таҳлил ва танқидий руҳ етишмайди. Энг янги ахборотлар одатда интернет, телерадио орқали тарқалиши барчага маълум. Ҳафтада бир ёки икки марта чиқадиган газеталаримиз ҳам, афсуски, кўп ҳолларда одамларга аллақачон маълум бўлган хабарларни яна қайта қандай бўлса шундайлигича тақдим этмоқдалар. Ўйланиб қоласан. Бундан кўра, уларни тезкор ва қизиқарли таҳлил қилиш кўпроқ самара бермасмикан?

Аччиқ бўлса-да, айтиш керак, аксарият газеталарнинг дизайни, формати ва материалларни бериш услуби эскича. Янгича ёндашув етишмайди, ўз бетакрор қиёфаси шаклланмаган.

Яна бир муаммо. Аҳолининг кенг қатламларига бугун мамлакатда рўй бераётган янгиланишлар жараёни, қабул қилинаётган қонунлар, Президент Фармонлари ва қарорлари мазмун-моҳиятини содда ва тушунарли тилда, ҳаётий мисоллар билан етказиб бериш борасида ҳали-ҳануз бир хиллик устун. Материаллар асосан расмий тилда берилади. Бу ўринда бир нарсага аниқлик киритиб ўтиш жоиз. Оммавий ахборот воситалари тажрибасида расмий ва эркин услуб ёнма-ён яшаб келади. Давлат сиёсати тарғиботи билан бевосита шуғуланувчи ОАВ бутун дунёда ҳам худди ЎЗА каби ўз фаолиятида расмий услубга амал қилади. Бу услубнинг ҳам ўз тартиб-қоидаси, афзаллиги ва мураккаб томонлари бор. Лўндалиги, фикр тифизлиги ва ифодада маълум бир ибораларга мунтазам равишда амал қилишига кўра у эркин услубдан фарқ қилади. Унинг ўзига хослиги ҳам шунда.

Таассуфли томони шундаки, бизнинг аксарият эркин услубда

ййраб-яшнаб фаолият кўрсатиши лозим бўлган оммавий ахборот воситаларимиз бунинг ўрнига ўша расмий услубга мойиллик кўрсатаётирлар. Тўғри-да, эркин услуб мустақил фикрлашни, янгича ёндашувни, анча-мунча бош қотиришни талаб этади. Ҳолбуки, ифодадаги бундай бир хиллик ўқувчида қизиқиш сўнишига хизмат қилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Президентнинг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналаридан одам аримаётган ҳозирги кунда ҳам журналистларимиздан тортиб бош муҳаррирларгача кўп ҳолларда бирон-бир ижтимоий муаммони мустақил равишда ташаббус кўрсатиб ёритиш борасида кўникма мавжуд эмас. Ҳали-ҳануз амалдорлар қистовига тушиб қолиш кўрқуви устун.

Ишончимиз комилки, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиладиган бир-биридан муҳим бу каби вазифаларни ҳал этиш, юртимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг ўз қудрати-салоҳиятига, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш, ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бир сўз билан айтганда, халқ манфаатининг чинакам ҳимоячиси бўлишда оммавий ахборот воситалари бундан буён ҳам фаол ҳаракат олиб борадилар.

*Ҳар ким етар бир куни чин орзу қилганига,
Тоғни текислаб ўтмоқ келар йигит қўлидан.
Кумушни Марғилондан бошқа ерда изламанг,
Отабекни топасиз Фарғонанинг йўлидан!*



ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР БЕШ СЎЗ



Ахмаджон МЕЛИБОЕВ. *Ўзбекистон Миллий университети доценти, таниқли публицист-адиб. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Оммавий ахборот воситалари назарияси ва амалиётига доир 300 дан ортиқ илмий ва публицистик мақолалар, «Хуштакни ким чалади?», «Торнинг чўмичдан фарқи», «Қирқ бешинчи бекат», «Халқаро шарҳ», «Мустақиллик йиллари матбуоти», «Журналистика: касб, ижод, маҳорат», «Ризқ дарахти», «Ўзингни ўзинг бошла», «Журналистика сабоқлари» каби тўплам ва ўқув қўлланмалар муаллифи.*

Ўзбекистонда 2017 йилнинг кўп бор ишлатилган фаол сўзи ёки иборасини аниқлаш анъанаси бўлганида, бугун серкирра ҳаётимизга бевосита дахлдор, кейинги бир йил ичида мамлакатимизда, турмуш тарзимизда, онг-тафаккуримизда, мустақил Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузида юз берган ўзгаришларни ўзида акс эттирадиган қайси сўз ёки ибора ғолиб бўлган бўларди? Шу ҳақда ўйлар эканман, хаёлимга биринчи бўлиб **«ҳаракат»** сўзи келди.

Кейинги бир йилда бутун мамлакат, эл-юрт, барча-барчамиз янги уйғониш фасли, янги умуммиллий ҳаракат, уйғонаётган тафаккур таъсирида яшадик десак, муболаға бўлмайди. Бу жараёни Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги лавозимдаги

дастлабки нутқ ва маърузалари бошлаб берди. Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ривожлантириш, одамлар ҳаётини янада фаровонлаштириш, ижтимоий адолат тамойилларига тўла амал қилиш билан бевосита боғлиқ Ҳаракатлар стратегияси уни аниқ мақсадлар сари йўналтирди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг одамлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларини олис келажақда эмас, бугун кўришлари, баҳраманд бўлишлари, ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари керак, деган даъвати бу жараёнга бемисл куч-қудрат бахш этди: бугун Ўзбекистонга холис кўз билан қараган киши, у хориждан келган оддий саёҳатчи, мартабали меҳмон ёки давлат арбоби бўладими, бундан қатъи назар, кўп нарсани кўради, қувонади, ҳайратга тушади. Бу ҳайрат Юртбошимизнинг мамлакат парламентиغا йўллаган Мурожаатномасини тинглаган кишида янада ортади. Ўзбекистоннинг бугунги шиддати дунёнинг салмоқли эътиборига сазовор бўлмоқда.

Йилнинг энг фаол сўзи ғолиблигига «мулоқот» ҳам даъвогарлик қилиши мумкин. Дунё дунё бўлганидан бери «Бир-бирингизни тингланг, сўзини бўлмайд эшитинг, тўғри гапни фақат мен айтаман дейишдан тийилинг, шундай қилсангиз, муаммолар ечимини осонгина топган бўласиз», деган оддий инсоний маданият, раҳбарий фазилат одамлар онгига, характериға, иш услубига сингишга ҳаракат қилади, аммо ҳамма вақт ҳам, ҳамма ҳолатларда ҳам бунга эриша олмайди. Чунки бир-биримизни эшитмаймиз, фикрини укмаймиз, нуқул ўзимизникини маъқуллаймиз. Адашаётганимизни, хатога йўл қўяётганимизни билсак ҳам, буни тан олишга журъатимиз етишмайди. «Мен ҳақман, бошқалар ноҳақ», деган нобоп қобик ичида қолиб кетамиз. Ҳолбуки, ҳақиқат, адолат ҳамиша ҳам фақат бир томонда бўлмайди. 2017 йил шу маънода инқилобий йил бўлди, дейиш мумкин. Мамлакат янги раҳбарининг янги сиёсий йўли халқни тинглаш, уни бутун вужуд, ақл-идрок, ҳурмат-эҳтиром билан эшитишдан, мамлакатнинг олис бир чеккасида яшаётган оддий деҳқон ёки чўпонга ҳам фикрини эмин-эркин баён қилишга имкон бериш зарурлигини эътироф этишдан бошланди. Ҳокимлар, вазирлар, депутатлар,

прокурорлар, ҳуқуқ-тартибот, солиқ, божхона ташкилотлари раҳбар ходимлари, бошқа нуфузли мансабдорлар халқ ичига киришди, қишлоқма-қишлоқ, овулма-овул, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юришди. Дардини тўкаётган, муаммосини ифодалаётган, катта-кичик қабулхоналарда ўтириб, ранглари сарғайиб кетган одамларни эшитишди. Бундан бирорта мансабдорнинг обрўси тўкилиб қолмади, нуфузига соя тушмади, аксинча, халқнинг янги раҳбариятга меҳри, ишончи, Ўзбекистоннинг янги йўлига садоқати ошди. Президентимизнинг виртуал қабулхонасига келиб тушган бир ярим миллионга яқин мурожаатларнинг аксариятида кўтарилган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши жамиятда янги рух, янги маънавий муҳитни юзага келтирди. Бу рух, бу муҳит билан биз дунёнинг ривожланган, ҳар жабҳада баланд марраларни эгаллаган, юксак натижалаарга эришган, дунё бозорларида савлат тўкиб турган пешқадам давлатлари сафига кириб борамиз, ўз ўрнимизни топамиз.

Учинчи сўз — «садоқат». Мамлакат раҳбариятининг юксак ишончига сазовор бўлган ҳар бир киши, каттадир-кичикдир, лавозим курсисига ўтирар экан, эл-юртга, миллат манфаатларига садоқат билан хизмат қилиши, бу йўлдан оғишмаслиги, виждонига зид иш тутмаслиги, имон-эътиқодини сусайтирмаслиги керак. Бу дунёнинг кўпларни чалғитувчи «ҳою-ҳаваслари» гўзал маликадай қош қоқиб, ишва билан олдига келганида, Машраб бобомиз каби, унинг кетига «шатталаб» қўйиши лозим. Имон-эътиқодли, инсофдиёнатли, бугун билан бирга эртани, ундан кейинни ҳам кўра оладиган, ўзи, оиласи, сулоласи шаънини ҳурмат қиладиган киши ҳамиша шундай йўл тутади. Манманлик, такаббурлик кўчасига кирмайди, халқдан узоқлашмайди. Халқдан узоқлашмаган раҳбарнинг оёғи ердан узилмайди. Оёғи ердан узилмаганларни эса она замин азиз фарзандидек асрайди, меҳрини, саховатини дариф тутмайди.

Бугун қучоқни катта очган, қадами дадиллашган, дунёга янгича қиёфада шиддат ва ишонч билан кириб бораётган Ўзбекистонга айна шундай садоқатли, фикри тиниқ одамлар керак. Бу фазилат нафақат раҳбарларнинг, барча-барчанинг қон-

қонига, жон-жонига, инсофу диёнатига сингмоғи шарт. Жумладан, журналистларнинг ҳам. Шундагина кўзланган улуғ мақсадларга эришишимиз мумкин.

Тўртинчи даъвогар сўз – «**қўшничилик**». Дунё тарихидан маълумки, ҳамма замонларда ҳам яхши қўшничилик тинчлик-тотувликнинг хамиртуруши бўлган. Узоқ-яқин қўшнилар билан тил топа олган, ўзаро елкадош, кўмакдош бўлиб, бир-бирларини мураккаб вазиятларда қўллаб-қувватлаган давлатлар тараққиётга юз тутган. Бу – инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Яқин-яқингача ота-боболаримиз ҳовлига ўчоқ қуришса, тутун қайси томонга ўрлашини ҳисобга олишган, қўшни томон деворидан кичик эшикча очиб, тўй-маъракаларда бир-бирларига ризк-насиба улашишган, қўшнининг меҳмонини мезбондан ошириб сийлашган. Ҳовлисида, даласида ҳосил етилса, қариндош-уруғдан аввал қўшниларга узатишган. Бир-бирларидан бохабар бўлиб яшашган. Кейинги икки минг йиллик дунё шу фазилатлар боис ҳам чок-чокидан сўкилиб кетмаган десам, хато бўлмас.

Бугун биз боболаримизнинг «Ҳовли олма, қўшни ол», «Қўшнинг тинч – сен тинч», «Ён қўшним – жон қўшним», «Сизнинг айвон бизнинг айвон эмасми» деб бошланадиган ноёб фазилатли дунёсига, Ер юзининг бошқа ҳеч бир жойида топилмайдиган, яқин орада топилиши амри маҳол бўлган маънавий оламига қайтдик. Чингиз Айтматов бундан анча йиллар аввал: «Бу кетишда бир-биримиздан узоқлашиб кетамиз, бир-биримизни танимай қоламиз, таржимон орқали сўзлашимизга, муомала қилишимизга, бир-биримизни тушунишимизга тўғри келади», деб куюнган эди. Давлатимиз раҳбарининг янги халқчил сиёсати боис йўллар очилиб бормоқда, сунъий ғов-тўсиқлар олиб ташланмоқда, кўнгил ғуборлари ювилмоқда. Тили, дини, тарихи ва маданияти, кўзлаган мақсади, борар манзили бир бўлган халқлар, мамлакатлар бир-бирига яқинлашиб, бир-бирини бағрига босмоқда. Бу қайтишнинг умри узоқ, пешонаси порлоқ бўлсин деймиз.

Бешинчи сўз — «**фикр**». Кейинги бир йиллик умримиз фикр уйғоқлиги, зийрак тафаккур шароитида ўтди. Жон-танзимизга

сингиб кетган мудроқлик, беғамлик барҳам топаётгандай. Тафаккур боғларининг дарвозалари очилгандай, фикримиз журъат тулпорига мингандай. Буни сезиш қийин эмас.

Фикр нима ўзи? Бу саволга жавоб тайёр: фикр – жамиятнинг қон томири, жони, тириклиги, ҳаракати, шиддати, умрининг узоклиги. Фикр жамиятни ривожланишда, ҳаракатда, соғлом ҳолатда ушлаб туради. Донишмандлар фикрни ҳаётнинг жон булоғига қиёслашган. Фикрляпманми, демак яшайпман, дейишган. Ва яна «Фикрлашдан тўхтаган одамнинг умри ҳам тўхтайтиди, энди у фақат мавжуд бўлиб қолади», дея ёшларга сабоқ беришган, бу аччиқ ҳақиқатдан барча-барчани огоҳ қилишган.

Фикр фикрдан унади. Фикрлар хилма-хиллиги ҳаётимизни, шубҳасиз, тараққиётга йўналтиради. Фикр мудрай бошласа, унга эҳтиёж сусайса, жамият ҳам мудрай бошлайди. Фикрсизлилик иллоти дунёнинг катта бир қисмини титратиб турган шўролар салтанатининг илдизини қуритди. Одамларни ҳайбаракаллагича айлантириб қўйди. Қизил салтанат мафкурачилари «Давлат-жамият-шахс» муносабатларини атайин чалкаштиришди. Одамлар онгига «Давлат бошқа, жамият бошқа, халқ бошқа», деган сохта тушунчани сингдиришди. Бу билан улар «Давлат – бу ўз номи билан давлат, сиёсат ҳам шундай, сен улар ишига аралашма, тинчгина бошингни қашламай юравер», демоқчи бўлишди. Шундай бўлди ҳам. Бу фикрга қўшилмаганлар жазога тортилди. Бугун барча-барчамизга, ҳатто энди-энди вояга етаётган фарзандларимизга ҳам кундай равшанки, давлат – бу биз, ўзимиз, жамият ҳам ўзимиз. Ҳар бир шахсда давлат ҳам, жамият ҳам ўз ифодасини топади. Олимларимиз буни содда, ҳамма тушунадиган халқона тилда шарҳлашдан чарчамасликлари керак.

Фикр ривожига ким, нима туртки беради? Жамиятдаги эркинлик, танқид ва таҳлилга тўғри муносабат, албатта. Давлатимиз раҳбарининг деярли барча чиқишлари кучли мантиққа эга танқидий таҳлил, ютуқ-камчиликлар сабабларини кўринмас илдизларигача очиб бериш, уларни бундан буён такрорламаслик зарурлигини уқдиришдан иборат. Бу журъатли принцип масъул лавозимли барча раҳбарларга, катта-кичик

ҳиссиз-туйғусиз маърузаларга, адоқсиз, кераксиз ҳисоботларга, парламентимиздаги муҳокамаларга ва албатта, оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳам кўчиши керак. Матбуотимиз саҳифаларида жамоатчилик вакиллари, куюнчак фидойиларнинг турфа хил фикр-мулоҳазалари, аччиқ, аммо ўринли танқидлари, эътиборга молик таклифлари қанча кўп бўлса, ҳақиқатни англаш, адолатли ечимларни топиш, келажак сари шиддатлироқ одимлаш имкониятлари шунча ошади. Ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлган, бошқаларга эмас, энг аввало, ўзига, виждонига ҳисобот беришга одатланган, ўз ҳисоботидан биринчи галда ўзи қониқиш ҳосил қиладиган жамият ҳеч қачон кам бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Бунга бугун барчамиз кейинги бир йиллик ҳаётимиз мисолида қатъий ишонч ҳосил қилиб турибмиз.



АХБОРОТ ҲУКМРОНЛИГИ



Навбахор ИМОМОВА. *«Америка овози» телерадиосининг етакчи журналисти. 2003 йилдан бери эфирга чиқадиган «Америка манзаралари» туркумидаги теледастурлар муаллифи. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида тузилган. Журналистик фаолиятини 1996 йилда Ўзбекистон радиосининг «Халқаро ҳаёт» таҳририясида бошлаган.*

Ҳиндистоннинг Майсур университетида ОАВлари бўйича бакалаврлик, АҚШнинг Болл давлат университетида магистрлик даражасини олган. Шунингдек, Гарвард университетининг давлат бошқаруви ва лидерлик бўйича магистрлик дипломига эга.

Ассалому алайкум, азизлар. Қўшма Штатлардаги ҳамкасбларингиздан сизга алангали салом! Вашингтондан сизга мурожаат қилаётганимдан бағоят мамнунман. Бундай юксак эҳтиром, ноёб имконият ва таклиф учун Фарғона Журналистлар уюшмаси ва барча ташкилотчилардан чуқур миннатдорман.

Сизга айтадиган гапларим кўп. Аввало, нима учун журналист эканим ҳақида сўзламоқчиман. Дунёнинг бу тарафида журналистлар ва ахборот воситалари босиб ўтган мураккаб йўл ва бугунги синовлар хусусида ҳам тўхталмоқчиман. Ва энг муҳими, ўзгаришлар шамоли эсаётган Ўзбекистонда журналистлар олдида турган вазифалар ҳақида ҳам ўз фикрларимни билдирмоқчиман.

Биз дунёдан, дунё эса биздан кўп нарсаларни ўрганса бўлади.

Мени тинглаб ўтирган ҳар бир ҳамкасбим шуни билишини хоҳлар эдимки, ишимиз ҳеч бир ерда осон эмас. Ҳеч бир ерда журналист учун эшик кенг очик эмас. Ҳеч бир ерда журналистни биз хоҳлаганимиздек эъзозлашмайди. Ҳеч бир ерда сизни ўзингиз талаб қилмасангиз, даврага ҳеч бир шартсиз таклиф қилишмайди. Журналистлар доимий шубҳа ва синов остида. Лекин инсоният бугун ниманики билса, тасаввур қилса, бу бизнинг меҳнатимиз, бизнинг жасоратимиз ва иқтидоримиз самараси. Дунё аҳли журналистлардан қанчалик нолимасин, курраи замин бўйлаб, биз инсониятга сув ва ҳаводек заруримиз.

Мен ўзимни энг қудратли соҳа эгаси деб биламан. Ахборот бу куч. Информация ва информациион технологиялар ҳукмрон бу замонда буни англамаслик ожизлик бўлади. Ишончли, ҳар томонлама сифатли, мустаҳкам асосга эга ахборот кимнинг қўлида бўлса ва қай ахборот воситаси ўзига кўпроқ одамни қарата олса, марра ўшаники. Лекин кўплаб журналистлар учун мақсад рейтинглар ёки доимий беллашув эмас. Ўзини журналистман деган одам, бу касб ва соҳанинг асл моҳиятини тушунган инсон билиши керакки, журналист зиё тарқатади, биттама-битта. Халқ ишончини қозона олмасангиз, журналист эмассиз. Қаерда, қандай ахборот воситасига ва нима учун ишлаётганингиздан қатъи назар. Биз берган ахборот одамларга билим бериши, уларни ўйлатиши ва атрофдаги масалаларга ечим кидириб, муаммоларни бартараф этиш учун чора кўришга ундаши лозим. Ҳар қандай янгилик, хушхабарми ёки шумхабар, томошабин, тингловчи ёки ўқувчини лоқайдликдан огоҳлик томон етаклаши зарур.

Факт йиғиш, уни таҳлил қилиш, танқид ва фикрни профессионал меъёрларга мос равишда танлаш, уларни оммага узатиш ва муҳокама қилишдек нозик жараёнда журналистлар ўз фундаментал мақсад ва ролларини унутиб қўймасликлари лозим.

Ҳозир қўлида смартфон бор ҳар бир одам ўзини журналист деб аташи мумкин. Видео ёки фото тасвир орқали ўзича янгилик

қилиши мумкин. Лекин у биз қилишимиз керак бўлган, биз кодир ишни қила олмайди. Шу боис ҳам журналистика, журналистик бурч ва мажбуриятлар, журналистик таълим ва тренинг, касбимизга садоқат келажак учун ўта муҳим. Акс ҳолда, боя айтганимдек, энг қудратли соҳани исроф қилган бўламиз, унинг қадрига етмаган бўламиз. Ўзимизни ўзимиз алдаймиз.

Бу анжумандаги асосий мавзу – Ўзбекистондаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, ислохотлар жараёнида матбуот ва журналистларнинг роли. Ҳеч бир жамият, ҳеч бир масала ечими, ҳеч қандай ислохот ва ўзгаришларни журналистларнинг фаол ҳиссасисиз тасаввур қила олмайсиз. Биз нафақат кузатувчимиз, балки кучли иштирокчи бўлишимиз зарур.

Ўзбекистон мустақилликка эришганида 13 ёшда эдим. Ё журналист, ё дипломат, ё адвокат бўламан, дер эдим. Қарангки, ҳар уч соҳани ўқидим, ўргандим. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Қўшқўрғон қишлоғида, тўққиз фарзанддан бири сифатида вояга етдим. Янгийўл туманида лицейда ўқидим. Жаҳон Тиллар университетида икки йил билим олдим. Карьерам ўша пайтда расмий тус олган. Унгача эса Ўзбекистон давлат телерадиосида болалар ва ёшлар учун кўрсатув, эшиттиришларда қатнашиб юрар эдим. 1997 йилда Ҳиндистонга ўқишга кетдим. 1996 йили Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчисидан интервью олаётганимда, бу дипломат менга қараб, неча ёшдасан, деб сўрагани эсимда. 18 ёшдаман, деб фахр билан айтганман. Ўзбекистон радиосининг «Халқаро ҳаёт» редакциясида ишлар эдим. Дипломатлар мендан ҳар доим нега бу соҳадасан, деб сўрар эди. Балки уларга ёшларнинг ўша замондаги фикр-қарашлари қизиқ бўлгандир. Менинг жавобим ҳамиша бир эди: Ўзбекистон кучли журналистикасиз ва журналистларсиз тараққий эта олмайди, юртим учун хизмат қилишнинг энг маъқул йўли менга шу, дер эдим.

Лекин профессионал журналист бўлиш учун хоҳишнинг ўзи етмайди. Хоҳиш мақсадга айланиши, мақсад эса меҳнат ва натижага айланиши зарур. Бужудамураккаб, лекина жойибжараён.

Шу ҳаракатда мен дунёнинг икки йирик демократик жамиятида билим олишга муваффақ бўлдим. 2000 йилда Ҳиндистоннинг Майсур университетидан бакалаврлик, 2003 йилда эса АҚШнинг Индиана штатидаги Болл давлат университетидан магистрлик унвонини олдим. Ҳар икки дипломим журналистика соҳасида. Америкага келишим биланоқ 11 сентябрь воқеалари юз берди. Мени «Америка овози»га ишга чақиришди. Ўзбек хизмати кенгаймоқда, эшиттиришлар узаймоқда ва бизга сиз каби Ўзбекистондан чиққан ёш ва чаққон мухбирлар керак, дейишди. Ўз она тилида узоқдан туриб, она юртига ахборот узатиш нафақат қаттиқ меҳнат талаб қилади, балки бу ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган шараф ва имконият. Ўзбекистон бу пайтга келиб, яъни 2003-2004 йилларга бориб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анча мураккаблашган, прогресс эмас, тузум ҳимояси учун барча чора-тадбирлар кўрилиши таъминланган қийин бир муҳитга айланиб бўлган эди. Менинг таҳлилимда, республика матбуот эркинлиги, журналистика тараққиёти бобида 2005 йилга келиб, анча орқага кетди. Ўзбекистон телерадио тизими ҳам кучли журналистларидан бирин-кетин айрила бошлади. Мамлакатда кенг миқёсда тингланадиган FM радиостанцияларини оёққа турғазган ташкилотлар, маҳаллий ишончли қозона бошлаган телемарказлар ёпилди. Журналистлар учун фаолият майдони ва кўлами торайди. Биламан, мени ҳозир томоша қилиб ўтирганлар орасида бунини эшитиб, ўзини ноқулай ҳис қилаётган, балки бу журналист чет элдан туриб бизга салбий баҳо бермоқда, ўтмишни эслашдан не фойда, дея ўйлаётганлар бўлиши мумкин. Гап шундаки, бу жараёнлардан омма, ҳаммамиз зарар кўрдик. Чунки журналистларнинг овози пасайди, қалами ўтмаслашди, одамларнинг ахборот воситаларига ишончи ва ҳурмати пасайди. Садоқатли, виждонли инсонлар нималарни назарда тутаётганимни билади.

«Америка овози»да ишлашда давом этганимнинг асосий сабаби, бу ахборот воситаси – мен учун она тилимда, она халқимга профессионал журналист сифатида хизмат қилиш учун маъқул платформа. Американинг бошқа канал ва воситаларида

ҳам бемалол ишлашим мумкин, лекин дунё бўйлаб 40 миллиондан ошиқ ўзбекларга уларнинг тилида ахборот узатиш мен учун нафақат шараф, балки бурч ҳамдир. Мен океан ортида бўлсам-да, Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёдаги вазиятдан кўз узмайман. Доимий алоқадаман. Кеча-ю кундуз Ўзбекистон ҳаёлимда. Дунёда бу мамлакат ва бу минтақа билан боғлиқ нимаики бўлаётган бўлса, аниқлашга, ўрганишга ҳаракат қиламан. Ўзига хос тармоқ яратганман.

Икки йил олдин Ўзбекистонда бўлганимда юзлаб одамлар билан мулоқот қилган эдим. Ўзбекистон каналларини томоша қилиб, радиоларни тинглаб, шунга яна бир бор амин бўлган эдимки, технологик тараққиёт билан бирга журналистларнинг уқувини ва малакасини ошириб туриш жоиз. Журналист зийраклиги, зукко ва қизиқувчанлиги, умидворлиги билан ажралиб туриши керак. Ўзбекистон каналлари ва босма матбуотда меъёрлар пасайиб кетганини кўрган эдим. Лекин бу сафар, шу ёз Ўзбекистонни кезганимда мамлакатда янги давр бошланаётганига гувоҳ бўлдим. Одамларнинг кайфияти, руҳияти янгилангандек. Журналистлар ўз ишларини олдингига қараганда берилиброк, ўзгача бир ихлос ва кунт билан қилаётгандек. Телаканалларни томоша қилган, радио тинглаб, интернетдаги хилма-хил сайтларни кузатган одам буни кўрмай, сезмай иложи йўқ. Табиийки, ким билан гаплашмай, нима бўлаяпти, ўзгаришлар қандай, дея сўрадим. Ва олдинги даврдан фарқли ўларок, ҳамкасбларимиздан айрим конкрет ўзгаришлар ҳақида эшитдим. Лекин кўпчилик ахборот воситаларида улкан ўзгаришлар бўлмоқда, дейишга шошилмайди. Ўзига хос эҳтиёткорлик, чегара қаерда, дея иккиланиб, жуда асталик билан ҳаракат қилишаётганини кўрдим.

Бугунги Ўзбекистонда ўзгаришлар шамоли эсишини таъминлаш, бу даврдаги муҳим жараёнларни очиб бериш, ёритиш учун республикага замонавий меъёр ва талабларни биладиган мутахассислар керак. Бу ҳамма чет элга бориб ўқиб, тажриба ошириб келиши шарт, дегани эмас, албатта. Лекин Ўзбекистонни хорижий ахборот воситалари учун очиш,

маҳаллий журналистлар ва уларнинг чет элдаги ҳамкасблари орасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, фикр алмашиб туриш ҳаммага бирдек фойда келтириши аниқ.

Америка матбуотидан, ахборот воситаларидан ўрганса бўладиган жиҳатлар жуда кўп. Биринчидан, кучли журналистика мактабини шакллантириш ва шу асосда эркин матбуот бозорини яратиш. Журналистлар халқ ва ҳукумат орасида кўприк бўлишини таъминловчи тамойилларни ривожлантириш керак.

АҚШда журналистика, худди сиёсат сингари, маҳаллий. Одамлар аввало маҳалла ва туманларида нима бўлаётганини билгиси келади. Мамлакат миқёсидаги янгиликларни кенг ёритиш учун ахборот воситалари айнан маҳаллий журналистларга таянади. Халқаро майдондаги ўзгаришларни ёритиш муҳим, бироқ халқ бевосита ўзининг кундалик ҳаёти билан боғлиқ, иқтисод ва турмушга тааллуқли жараёнларни тушунгиси келади. Мана шу талабни ушлаб туриш орқали матбуот ҳам пул топади, ҳам доимий равишда янги авлод журналистлари вояга етиши учун ҳаракат қилади. Ҳозир ҳамма нарса глобал тармоқда. Американинг кичик шаҳар ва қишлоқларига борсангиз, газета ва журналлар деярли йўқ. Лекин журналистлар бор. Журналистика мактаблари кадр тайёрлашда ишни айнан маҳаллий динамикани ёритишни ўргатишдан бошлайди. Амалдорларни саволга тутиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш сирларини ўргатишади. Шундай тушунча қаттиқ шаклланганки, медиа бу саноат, сифатли ахборот ва таҳлил маҳсулоти, унинг сифатини доимий равишда ушлаб туриш ҳам бизнесни тебратади, ҳам халққа маънавий озуқа беради. Матбуот ўз нуфузини оширмоқчи бўлса, ҳақиқатни фош этиши керак, қора ишларни очиб бериши, ўз материаллари билан масъул одамлар жавобгарликка тутилишини таъминлаши зарур.

«Сохта хабарлар» таркатади деган дашном, президент ва ҳукмрон доиралар билан жанжаллар Америка ахборот воситалари учун янгилик, янги муаммо эмас. Жанжал ва тортишувларга демократик жараён, табиий олишув, дея қаралади. Журналистлар билан гаплашсангиз, улар сизга бу баҳслар муаммо эмаслигини,

аудитория талабини қондириш кун сайин қийинлашиб бораётганини айтишади. Одамларнинг диққати жуда тор, қисқа. Эътиборни ушлаб туриш тобора машаққатли. Чунки ахборот оқими жадал ва одамларнинг қизиқишини тортадиган нарсалар кўп. Кўплаб ахборот воситалари аудиторияга ахборотни саралаш сирларини ўргатишга ҳаракат қилмоқда. Лекин аввало ўз материалларингиз сифатли бўлишини таъминлаш керак. Бугун Ғарб матбуоти ва умуман ҳар қандай медиа учун мана шу бирламчи масала. Бизнинг маҳсулотимиз нимаси билан ажралиб туриши керак ва бу билан одамларнинг эътиборини неча минут ушлаб туришимиз мумкин? Кўплаб журналистлар фикрича, эътиборни ушлаб турувчи омил бу фактлар ва уларнинг халқ ҳаётига тегишли томонларини кўрсата олиш.

Демак, айланиб-айланиб, яна ўша туб вазифага қайтаёпмиз. Яъни журналистнинг иши жамият кўзгуси бўлиши керак. Одамлар унга қараб ҳақиқатни тушуниб етиши, ўйланиши ва бу материаллар муаммоларга ечим излаш учун туртки бўлиши лозим. Халқ журналистларни севиши шарт эмас, уларни мақташи умуман шарт эмас, журналистлар халқни хурсанд қилиш вазифасида эмас. Бераётган хабарлар ва материаллар халқни хурсанд қилмаса, айб сизда эмас. Сиз кўзгу. Ойнадан ўпкалана олмайсиз. Лекин ахборот қанчалик асосли, ишончли? Буни таъминлашимиз шарт.

Америкада журналистлар эксперимент қилишдан тоймайди. Тажриба қилиб кўрайлик, бирор бир усул ёки услубни, ярамаса, оммага ёқмаса, бекор қиламиз, дейишади. Дастурлар, эшиттиришлар, туркумлар ва стил доимий равишда ўзгариб, янгиланиб туради.

Худди шу омиллар Ўзбекистон учун ҳозирга келиб янада долзарблашган ва ҳаммамиз, қаерда бўлмайлик, қай ахборот воситасида меҳнат қилмайлик, журналистика тамойилларига содиқ бўлсак, халққа хизмат қилишни хоҳласак, унинг дардини, унинг хато ва нуқсонларини, унинг ютуқ ва муваффақиятларини серқирра ёритишни одат қилишимиз керак.

Бунинг учун албатта бизга илғор технология зарур.

Маошимиз ва даромадимиз ҳам реал талабларни қондира олиши, тобора ўсиб бориши муҳим. Журналист робот эмас. Унинг ҳам оиласи бор, ўз турмуш ва тирикчилиги бор. Соғлиғига қарashi керак. Вақтида дам олиб туриши, йилда камида бир марта саёҳат қилиши, тренингларга бориб, билим ва кўникмаларини чархлай олиши лозим. Ахборот воситалари бу масалаларга кўз юма олмайди. Кадрларини эъозламаган ташкилот самарали орган эмас ва бўла олмайди ҳам. Медиа бошқарувини шакллантириш, бу йўналишда мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Ҳар қандай саноатни саноат қиладиган одамлар бу ўша соҳанинг бошқарувчилари. Журналист ким? Журналистика нима? Ахборот нима ва ахборот бозори нима? Талаб ва таъминотни тушунадиган, ижодкор одамлар билан ишлаб, уларнинг ташкилотини юрита оладиган кадрлар керак Ўзбекистонга. Улар ҳозир йўқ дея олмайман, чунки ўзим уларнинг бир нечтасини биламан. Лекин уларни қувватлаш ва янги авлодни тарбиялаш керак. Журналистлар замоннинг олди бўлса, журналистика мактабларида талабалар 10-15 йилдан кейинги муҳитни тасаввур қилган ҳолда илм олаётган бўлиши керак. Шундагина янгиликларни ёритиш бобида ҳақиқий янгилик бўлган бўлади, чунки соҳага кириб келаётган ёшлар нафақат янги замонга тайёр бўлади, балки жамиятни ўша даврга ўзлари етаклайди.

Сиёсатга аралашма, сиёсатни четлаб ўт, деган маслаҳат ва ўғитлар ярамайди. Чунки сиёсатсиз нарса йўқ бу дунёда, Ўзбекистон ҳам истисно эмас. Маданият ҳам сиёсат, таълим ва тарбия, маънавият, ҳар қандай ижтимоий ва иқтисодий масала, ҳаммаси сиёсатга бориб тақалади. Ўзимиз ўзимиз учун чекловлар яратишни бас қилишимиз лозим. Журналистман деган одам кизикувчан, ҳеч бир саволга аҳмоқона деб қарамайдиган, аксинча, нега, нима учун ва қандай қилиб дея суриштиришга мойил одам бўлиши керак.

Ҳукуматми, хусусий сектор, санъат ёки спорт, халқаро ҳаёт ва глобал муаммолар – Ўзбекистон журналистлари учун қўрқинчли ёки чекланган йўналиш бўлмаслиги керак. Чунки биз уларни ёритишни, таҳлил қилишни, халқ бу соҳаларда

олдинга силжиши учун туртки бўлишни эплай оламиз. Бунинг учун укувни ошириш керак, ўзимизга ишонч ошиши керак ва бир-биримизни қувватлашимиз зарур. Журналистлар орасида бирдамлик, уйғунлик вужудга келиши керак. Рақобат бу соғлом нарса, лекин майдонда бир-биримизга суяна олишимиз ҳам керак. Мен олисда бўлсам-да, кўпчилигингиз билан ҳаётда учрашмаган, сўзлашмаган бўлсам-да, сизга шуни бемалол айта оламанки, мен касбдош сифатида ҳамиша руҳан сиз билан. Имкон қадар ёрдам беришга, маслаҳат беришга, сиздан ўрганишга, сиз билан фикр алмашишга доимо тайёрман. Кимсан деса, ўзбек журналистиман дея фахр билан айтаман. Ўзбек журналисти профессионал ҳисобланиши учун чет тилларда ижод қилиши шарт эмас. Она тилимизда ўз халқимиз талабини қондира олсак, мана шу бизнинг энг улуғ ютуғимиз. Чунки сифатли ахборот аввало ўз халқимизга керак.

Бу мурожаатимга муносабатингизни ва саволлар бўлса, уларни интернет орқали кутиб қоламан. Келгуси анжуманда сизнинг сафингизда ўтириш ниятидаман.

Ҳар бир дақиқа ғанимат. Ҳеч кимнинг куруқ гап сотишга вақти йўқ. Хоҳиши ҳам йўқ. Самимий мурожаатим сизни ўйлантирди, сизга озгина бўлса-да. илҳом ва руҳан қувват берди деган умиддаман. Омон бўлинг! Эътиборингиз учун катта раҳмат.



ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБ ТАЖРИБАСИДАН



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ.

Сиёсатишунослик фанлари доктори. У 2008 йилдан Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида «Интернет журналистика назарияси ва амалиёти» кафедраси, 2017 йилдан эса «Матбуот назарияси ва амалиёти» кафедрасининг мудиридир. Бунга қадар – 1998-2000, 2004-2005 йилларда Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари, 2000-2005 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматида бош консултант, 2005-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири матбуот котиби вазифаларида ишлаган.

Шерзодхон Қудратхўжаев Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида – 1994-1996 йилларда «Ўзбекистон» телеканали таржимони ва муҳаррири, 1996-1998 йилларда «Ахборот» информацион дастури муҳбири, 1998 йилда эса «ТВ-4» халқаро телеканали директори лавозимларида хизмат қилган.

Жонли эфир – мураккаб жараён. Қолаверса, биз қарийб йигирма йил давомида тўғридан-тўғри эфирга чиқишни унутиб қўйганмиз. Тўғридан-тўғри эфирнинг ўзига хос, му-раккаб томонлари бор. Бу жиҳат томошабинларнинг кўзига кўринмаслиги мумкин, лекин биз мутахассислар бунини яхши англаймиз. Баъзида бир сессия тугаши билан, дарров иккинчисига тайёргарликни бошлаб юбордик. Бир кунда ҳаттоки иккитадан, бир ҳафтада 5-6 тадан сессиялар ўтказилапти. Бу юзлаб одамлар, катта тармоқлар, минтақалар, вилоятлар фаолияти билан боғлиқ, демакки, хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Жамоамиз 10-12 кишидан иборат, ундан ташқари кўнгилчилар, амалиётчилар ёрдам беришади. Лекин барибир кичкинагина жамоа елкасига жуда катта юк тушади. Биз борган жойимизда тўғридан-тўғри эфирга чиқишни брандимиз, деб биламиз ва ҳеч қачон сессияларимизни олдиндан ёзиб кўрсатмаймиз. Шундай экан, бу жараён жуда катта таҳлил, ташкилотчилик маҳоратини талаб қилиши, шубҳасиз.

Шахсан мен нашрларни умуман ажратмайман. Ваҳоланки, баъзи жойларга борсангиз, хусусий ОАВларни давлат ОАВларидан айро кўришади. Ҳаттоки Президентимиз иштирок этган йиғилишларда ҳам асосан давлат ОАВларини учратиш мумкин. Аммо айнан шулар ҳодисаларни кўнгилдагидек ёрита олмайди. Бу менинг кафедра мудири сифатида фикрим. Давлат ОАВларида қотиб қолиш, ривожланмаслик касали бор. Уларда ишлайдиган одамлар эса кибрланиш ва кеккайиш дардига чалинган. Бундай ОАВларда ёритилаётган форматдаги материалларни муштарийлар ўқиётгани йўқ. Хусусий сегментдаги ОАВларни кўпчилик кўришини инобатга оладиган бўлсак, улар доимо мен учун биринчи ўринда турган.

Мамлакатимиз бўйлаб сайёр анжуманлардан умуман кўнглим тўлмади. Ишонасизми, тўртта минтақанинг

бирортасида 30-35 талаб иштирок этган журналистлар савол беришмади. Мутахассислар, фермерлар, сувхозлар, хаттоки 14 ёшли болалар савол билан мурожаат қиляпти, лекин журналистлар жим. Улардан бунинг сабабини сўрасам, «биз марҳамат, журналистлар савол бериши мумкин, деган мурожаатни кутгандик», дея жавоб беришди. Бугун кутадиган, кимдандир рухсат оладиган замонмикин?! Афсус билан айтаман, баъзи журналистларимиз ухлаб ётибди. Уларни уйғотиш пайти келди.

ХПК сессияларида иштирок этадиган журналистлар орасида вазият жуда яхши, анча рақобат бор. Пойтахтимизда давлат ва нодавлат ОАВлар ўртасида кураш мавжуд. Қолаверса, бу ерга хорижий журналистлар ҳам келади. Қизиқиш ҳам анча кучли.

Яширмайман, Ўзбекистонда хорижий журналистлар камайиб кетган. Бор-йўғи 15 нафари қолган. Биз уларни таклиф қиламиз, иштирок этиш ёки этмасликни эса ўзлари ҳал қилишади. Уларни мажбурлай олмаймиз. Лекин негадир хорижий журналистлар анжуманларимизга кам келади. Биласизми, дунё ОАВларини сенсация, терроризм, экстремизм масалалари кўпроқ қизиқтиради. Бизда эса анъана бироз бошқача, яъни мамлакатимиздаги ички масалаларни кўпроқ муҳокама қилиш, танқидий таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Дунё ОАВларидаги бир тенденцияни оқламайман, яъни журналистларнинг «қайноқ хабарлар»га ишқибоз бўлиши, тирноқнинг тагидан кир кидириши, фақат негатив жиҳатларни кўриши.

Сирасини айтганда, халқаро журналистларнинг сессияларимизга кам ташриф буюриши бизнинг шаънимизга ва фаолиятимизга салбий таъсир қилмайди. Зеро, биз ишда давом этипмиз, халқаро даражадаги муаммоларни кўтарамиз, яқин орада Самарқанд шаҳрида филиалимиз очилади, Фарғона, Қорақалпоғистон Республикаларида ҳам вакилларимиз

бўлади. Аёллар, ёшларнинг Пресс-клубларини очиш ниятимиз бор. Яқин келажакда Туркия ва бошқа хорижий давлатларда ҳам Халқаро Пресс-клубнинг ваколатхоналари бўлиши учун ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Халқаро Пресс-клубнинг жонли эфирдаги анжуманларида нимани гапириш мумкин-у, нимани мумкин эмас деб сўрашади. Ихтиёрингиз, истаган нарсани гапиринг, асосийси, маданият қоидаларига зид иш тутманг.

ХПК учрашувларида мутахассислар, айниқса, давлат ташкилотлари раҳбарларини биров довдиратадиган ўткир саволлар ҳам берилади. Лекин шу пайтгача улар эътироз билдиргани йўқ. Улар форматимиз ҳақида жуда яхши билишади. Қолверса, шахсан менинг кимгадир иссиқлигим ҳам, совуқлигим ҳам йўқ. Мен холис модераторман. Лекин баъзида вазиятни сал юмшатишим мумкин. Чунки бизда йигирма йиллар давомида бу каби мулоқотлар бўлмаган ва бундай анъанага раҳбарларимиз ҳали кўникмаган. Ўзим ҳам амалдор бўлганман ва шу маънода уларни тушунаман. Уларни сиёсатчи сифатида яна бизнинг анжуманларимизга қайтиб келиши, журналистлардан қўрқиб қолмаслиги, мулоқотимиз маданиятли бўлиши учун, ўткир қиррали жойларни юмшатишга ҳаракат қиламан.

«Фейсбук» тармоғи орқали баъзида билдирилган турли танқидий фикрларни ҳам ўқиб қоламан. Агар танқид конструктив, шахсиятингизга тегмайдиган, инсонийлигингизни камситмайдиган тарзда бўлса, албатта, инобатга оламан. Масалан, охириги марта эфирда шевада гапиришимга доир танқид билдирилди. Тошкентда туғилиб, катта бўлганман, табиийки, шу шевада гапираман ва буни инкор эта олмайман. Мамлакатнинг ҳар бир жойи ўз шеvasи билан гўзал. Тўғри, биз журналистмиз ва биздан адабий тил меъёрларида гапириш талаб қилинади. Бунга риоя қилишимиз керак. Ўзимга келсак, мен қайсидир маънода эҳтирос билан

сўзлаганимда, ўрганган тилимда гапиришим табиийроқ чиқади. Чунки нуткимизда ёки ҳолатимиздаги ҳар қандай ўзгаришни томошабин дарров сезади.

Яна бир жиҳат борки, анжуманларимизни 30 миллионга яқин одам кўради. Нафақат ўз юртимизда, балки хорижда ҳам кузатувчиларимиз бор. Миллион одам кўрганда, 300 нафарининг танқид қилишини мен меъёрий ҳолат, деб ҳисоблайман. «Фейсбук»даги фикрлардан унчалик хафа бўлмайман. Сабаби, бу ерда дивандаястаниб олиб, фақат танқид қилиб, сизга тош отадиган контингент ҳам шаклланиб қолган. Улар нафақат мени, балки ҳаммани гапиради. Қолаверса, бу ҳолатни таниқлиликнинг ўзига яраша минуслари, деб қабул қиламан ва тушкунликка тушиб ўтирмайман.

ХПКнинг сессиялари ҳаётий жараёнлардан орқада қолмайди. Бизда қатъий режа йўқ. Бир ҳафтада бир маротаба анжуман ўтказиб, бемалол юришим мумкин, лекин бундай қилишга виждоним йўл қўймайди. Мамлакатда ҳаёт жўш уриб турганда, озгина иш бажариб, қўл ковуштириб ўтиришни ўзимга эп кўрмайман. Масалан, вилоятларга ҳеч ким бизни мажбурлаб жўнатгани йўқ, у ерга бориш ўзимиз учун муҳим ва қизиқ бўлди. Агар имкониятим бўлганда, ҳар куни ана шундай анжуманлар ўтказган бўлардим. Очиғини айтаман, мен Ўзбекистон телевидениесида энг катта мегалойихага айлангим келади. Биз бунинг технологиясини мукамал ўрганиб олдик. Энг муҳими эса, халқимиз яхши таомни истаганидек, бераётган ахборотларимизга муҳтож. Буни кўриб, биз ишимиздан маънавий роҳат олиб, ижодий кучга тўлиб бораяпмиз.

Шундай бўлса-да, биз рақобатчи бўлишини истаймиз. Халқаро Пресс-клуб бутун Ўзбекистон медиа ҳамжамиятида музёран вазифасини бажаряпти. Биз муз ёриб, орқамиздан бошқа лойиҳалар, ОАВлар учун йўл очяпмиз. Аллох берган куч, қолаверса, имконият яратиб берилгани учун миннатдормиз.

Орқамиздан «Муносабат» бўладими, «Барча учун муҳим» кўрсатувларими, бошқа телеканаллардаги лойиҳаларми, уларни фақат қўллаб-қувватлаймиз. Рақобатчимиз бўлса, сифат таъминланади, бизда эса интилиш сусаймайди. Лекин бир гапни ҳам айтишим керак, мен атрофимизда ҳали жиддий рақобатчини кўрганимча йўқ.

Олдимизга катта мақсад қўйганмиз ва шу бўйича кетяпмиз. Лекин янада кўп ишлашимиз керак. Фурсаддан фойдаланиб, барча журналист ҳамкасблар, бизни қўллаб-қувватлаётган ижтимоий тармоқдаги дўстларимиз, ОАВларни кузатиб бораётган оддий халқимиз, фуқароларимиз куч бераётгани учун миннатдорчилик билдираман. Уларнинг эътирофи бўлмаганида, биз бу даражага етмаган бўлардик.



ЖУРНАЛИСТГА ЭРКИНЛИК КЕРАК



Пахлавон СОДИҚ. 1973 йилда Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳрида туғилган. 1989 йилда Чортоқдаги 10-ўрта мактабни олтин медал билан тамомлаган. Тошкент Давлат университети (Ҳозирги ЎЗМУ) ҳамда Туркиядаги Эгей университети журналистика факультетларида таҳсил олган. «Оила ва жамият» газетаси ва «Ёш куч» журналида бўлим муҳаррири лавозимларида ишлаган.

1997-2002 йилларда «Би-би-си» радиосининг Тошкент бюроси мухбири ва раҳбари. 2002 йил январидан буён Лондондаги «Би-би-си» Жаҳон хизматида Ўзбек бўлими муҳаррири. «Рухият насими» шеърий китоби (1994, «Ёзувчи» нашириёти) чоп этилган. «Ўзбек модерн шеърияти» (2004) муаллифларидан. Шеърлари турк, рус, француз ва инглиз тилларига таржима қилинган. Францияда чоп этилган «Ўзбек шеърияти антологияси» (2007), ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги «Озодлик оҳанглари» (2007), «Қамоқдаги ўзбек адиблари» (2014) лойиҳаларига муаллифлик ва раҳбарлик қилган. Oilали, уч нафар фарзанди бор.

Ассалому алайкум, ҳурматли ҳамкасблар, медиалагер иштирокчилари.

Авваламбор, таклиф учун раҳмат!

Ўтган бир йил ичида ўзбек матбуотида юз берган ўзгаришларни кўрмаслик мумкин эмас. Матбуотимиз, ҳеч шубҳасиз, анча жонланди. Яқин-яқингача табу сифатида

кўрилган мавзулар бугун нисбатан баралла ёритилаяпти, журналистларимиз ҳокимият вакиллари кўрқмасдан саволга тутишни ўрганишяпти...

Аммо мамлакатда бошланган ислохотлар, иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ўзгаришларнинг масштаби ва одамларнинг кутишларига қиёслаганда бу ўзгаришларнинг анча жузъийлигини кўрамай.

Менинг фикрларим ўзбек матбуотидаги ҳамкасбларимизга ақл ўргатишдай эшитилишини истамасдим.

Бугунги семинарда кўзга кўринган журналистлар, Аҳмаджон Мелибоев каби тажрибали муҳаррирларимиз иштирок этишаётганидан хабарим бор.

Аслида, биз ҳаммамиз журналистга нима кераклигини жуда яхши биламиз. Бу ерда ҳам, жуда кўп соҳаларда бўлгани каби, велосипед ихтиро қилиш шарт эмас.

Эркин матбуотнинг тайёр рецепти бор. Бир пайтлар бир таниқли ёзувчимиз ўзаро суҳбатда «нима учун бутун дунё ҳамжамияти юрган равон, силлиқ ва нурафшон йўл турганида, ўзимизга хос, ўзимизга мос деб чангалзордан юришимиз керак?» дея истехзо қилганди.

Бу ерда ҳам Америка очиш шарт эмас.

Журналистга эркинлик керак. Журналистга ўз фаолиятини кўрқмасдан, чекловлар ва таҳдидларсиз амалга ошириши учун кафолатлар керак, энг аввало, ҳуқуқий бир муҳит, ҳуқуқий бир давлат керак.

Эркинлик – шахс ва сўз эркинлиги, таъбир жоиз бўлса, бир «вирус». Ижобий маънодаги. Биз, масалан, талабалик йилларимизда, Горбачевнинг ошкоралик йилларида «эркин сўз» деган бир «вирус»ни юқтирдик ва кейин сўз эркинлиги чекланган бир муҳитда нафас олишга қийналдик.

Менинг ўзим цензурадан бирон-бир материални ўтказиш имкони бўлган энг охириги дақиқагача ўзбек матбуотида ишладим ва бу аудиторияда цензура нималигини, сўз эркинлиги нималарга қодирлигини мендан кўра яхшироқ биладиган журналистларимиз ўтиришибди.

Мен ҳали Аҳмаджон аканинг номларини бекорга тилга олганим йўқ.

Аҳмаджон ака бош муҳаррирлик қилган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 1980 йиллар охирида, адашмасам, 800 минг нусхада чиққан.

Бугун ҳукуматнинг субсидияси билан чоп этилаётган қайси нашр 100 минг нусхада чиқади?

Матбуот нисбатан эркин бўлгани, халқнинг дардини кўтариб чиқишдан қўрқмагани учун одамлар газетани ўқиган, радиони эшитган.

Бугун матбуотимизнинг ҳамма сегментлари ҳам жонланди, деб айтолмаймиз. Ўзгаришлар, асосан, интернет нашрларида. «Кун.уз», «Дарё» ва бошқа... Анъанавий, айниқса, босма матбуотимизда мен сезиларли ўзгаришларни кўрмаяпман.

Бунинг объектив сабаблари бор.

Охириги 25 йилда матбуотимиз фалаж аҳволда эди. Яъни журналистлар бору, журналистика йўқ, дейдиган даражада эди.

Минбарлардан тўртинчи ҳокимият ҳақидаги гаплар айтилгани билан, амалда матбуот тўртинчи ҳам, бешинчи ҳам ҳокимият эмасди. Ҳукуматнинг, ижроия ҳокимиятининг буйруғини бажарарди, холос.

Бугун ҳам шундай.

Аслида, матбуот ўз вазифасини бажарганида, виртуал қабулхоналарга ҳам, халқ қабулхоналарига ҳам эҳтиёж қолмасди.

Асосий сабаб матбуотнинг мустақил ва эркин бўлмаганида, деб биламан.

Матбуотда цензура йўқолмади.

Цензура 2002 йилда расман йўқ қилиниши, «Матбуотда давлат сирларини сақлаш қўмитаси» тугатилишидан кейин ҳам сақланиб қолди. Ҳатто кучайди.

Аввал битта цензор бўлган бўлса, энди бош муҳаррирлар тимсолида ҳар битта нашрнинг ўз цензори пайдо бўлди.

Ва бугун бу бош муҳаррирларимиздан айримлари чиқиб, бизда мажбурий обуна йўқ, дер экан, ҳайрон бўлмаслик керак, чунки бу матбуот ҳам, бош муҳаррир ҳам давлат қарамоғида. У қайси давлат идорасининг органи бўлса, ўша идоранинг

номенклатурасига киради ва бу номенклатурани танқид қилишдан, тафтиш қилишдан манфаатдор эмас.

Имкони бўлса, танқид қилаётган журналистларнинг овозини ўчиришга ҳаракат қилади.

Бунга ўхшаган бош муҳаррирлик институти керакми-йўқми, ўйлаб кўрадиган вақт келди, менимча.

Бундан ташқари, блогерлик фаолиятини матбуот воситасига тенглаштирувчи қонун эркин фикр, эркин матбуот йўлида жиддий тўсиқларни яратади.

Бу ҳам жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқишга арзийдиган мавзу, назаримда.

Алал-оқибат, муҳолифат нашрлари бўлмасдан туриб, матбуот эркинлиги ҳақида гапиришимиз мумкин эмас. Тўғри, матбуот йўқ муҳолифатни яратиб беролмайди, аммо муҳолиф қарашларга минбар бериш йўли билан бунга замин яратиш мумкин.

Муҳолиф, ўзгача фикрдаги одамларни олабўжи қилиб кўрсатишдан, ҳар хил мафкуравий клишелардан кутулиши керак. Бусиз тараққиётга эришиб бўлмайди.

Бугун ўзгаришлар юқоридан бўлаяпти, юқоридан матбуот муаммоларни кўтарсин, дейилгани учун ҳокимлар, ҳукумат мулозимлари «Пресс-клуб»га келиб, журналистларнинг саволларига жавоб беришяпти.

Юқоридан бошланган ўзгаришларни яна ҳар он, ҳар дақиқада юқоридан тўхтатиб қўйиш мумкин.

Ўзгаришлар аввал қандай бир кишининг номи билан боғланган бўлса, ҳозир ҳам бир кишининг номи билан боғланыпти.

Бирон жойда Бош вазир танқид қилинганини кўрмадик. Президент ҳақида гапирмаяпман.

Мен ҳали ҳам кўпгина журналистларимизнинг «буёғи нима бўларкин, қаергача борарканмиз, қачон менинг кўрсатувим ёки газетам ёпилиб қоларкан?» деган бир иккиланиш, тараддуд ичида туришганини яхши биламан.

Бу бежиз эмас. «Халқаро Пресс-клуб»да жонли дастурларнинг кўп ўтмай тўхтатилиши, давлат телевидениесига эски кадрларнинг қайтиши журналистларга қарама-қарши

муждаларни берди.

Лекин ҳокимият қачон кўпроқ эркинлик бераркин, деб қараб ўтирадиган матбуот, менинг назаримда, сўз эркинлигига лойиқ эмас.

Ҳар қандай ҳукумат ўзини танқид қилишларини ёқтирмайди. Бу ҳокимиятнинг табиатига зид.

Ҳатто минг йиллик демократия тарихига эга бўлган Британия ҳам бундан мустасно эмас.

«Би-би-си»да биз иккита мисолни кўп тилга оламиз. Биринчиси – 1982 йилдаги Британия ва Аргентина ўртасида Фолкланд ороллари устидан бўлган урушда Маргарет Тэтчер «Би-би-си»дан британ аскарларини «бизнинг аскарларимиз» деб аташни талаб қилган, аммо «Би-би-си» буни қатъиян рад қилган.

Иккинчи бир мисол яқин ўтмишдан. 2003 йилда Тони Блэйр Ироққа уруш очиш қарорини асослаш учун Ироқнинг оммавий қирғин қуролларига доир досъени эълон қилган пайт «Би-би-си» Саддам Ҳусайн бу каби қуроолларга эгалигини савол остига олганди.

Алал-оқибат, ҳукумат ва «Би-би-си» ўртасидаги бу можаро қирғин қуроллари бўйича британиялик эксперт – «Би-би-си» манбаси бўлган олимнинг ўлими билан яқунланди.

Албатта, «Би-би-си»нинг орқасида Британиядаги уни молиялаётган солиқ тўловчилар, жамоатчилик ва парламент демократияси турибди.

Лекин ўзбек журналистининг орқасида ким бор?

Ҳозирча ҳеч ким.

Жиддий сиёсий ислохотлар ўтказмасдан туриб, алоҳида олинган бир соҳа, яъни бу ўринда, матбуотнинг ўзини эркинлаштириб бўлмайди.

Бу мамлакатдаги ҳокимият бўлиниши, бошқарув, конституциядаги сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар билан чамбарчас боғлиқ биртушунча. Қолаверса, жамиятдаги умумий фаровонлик, журналистнинг маоши, моддий имкониятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Учма-уч ҳаёт кечираётган журналистдан, айниқса, ҳокимиятнинг қўлига қараб қолган журналистдан қаҳрамонлик

кутолмайсиз.

Журналист мустақил бўлиши, эркин сўзни айтишдан манфаатдор бўлиши керак.

Матбуот эркинлиги газетага, журналга ва телевидениега даромад олиб келиши керак.

Журналист ҳақиқатни ёзса, гапирса, қамокқа ташланмаслигига, ўзи ва яқинларига босим бўлмаслигига амин бўлиши керак.

Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий ва сиёсий соҳада либераллашув зарурлигини тан олганидан буён, буни эълон қилганидан буён орадан бир йил вақт ўтди. Аммо ҳануз мустақил нашрлар, жумладан, «Би-би-си» Ўзбек хизматининг веб сайти ёпиқлигича қолапти.

Фақат танқид қилгани учун, соф журналистик фаолияти учун қамокда ўтирган журналистларимиз бор.

Соф журналистик фаолияти учун Ўзбекистонни тарк этишга мажбур бўлган ва бугун ҳам ватанига қайтолмаётган ҳамкасбларимиз бор.

Ўзбекистон ҳануз интернет душманлари рўйхатида.

«Чегара билмас мухбирлар»нинг матбуот эркинлиги индексида ҳануз энг охирги ўринларда.

Ҳануз матбуотимиз кўтариб чиқишга қўрқадиган мавзулар, матбуотимиз номини тилга олишга қўрқадиган мулозимлар кўп.

Мен матбуотимиз бир кечада эркин ва мустақил матбуотга айланади, деб кутаётганим йўқ.

Аммо бир йил матбуотда айрим ўзгаришларнинг трендга айланиши учун етарли бир фурсат, деб ўйлайман.

Афсуски, ҳали бундай трендни кўрмаяпмиз.

Бунинг битта мисоли – «Автотест» билан «Анхор.уз» нашри ўртасида юзага келган зиддият эди.

Алал-оқибат, «Автотест» бирданига прокуратурага берилган ариза сўз эркинлигини чеклайди, деган хулосага келганини айтиб, аризани қайтариб олди, аммо ҳақиқатда «Автотест» эгаларининг қандай мотивлар билан ҳаракат қилганликлари бизга қоронғу. Ҳар ҳолда, фақат сўз эркинлиги бўлмаса керак.

«Автотест»нинг нима учун судга эмас-да, прокуратурага

муурожаат қилганининг ўзи жуда кўп саволларни туғдиради. Агар ариза суд даъвосига айланганида эди, бу ўзига хос бир прецедент бўлиши мумкин эди.

Матбуот жонланиб бораркан, уни кўрқитиб қўйишга уринишлар ҳам бўлади.

Матбуотга босим ўтказиш йўллари, воситалари ўзгариши мумкин, аммо йўқолиб қолмайди. Бу каби шароитда журналистни фақат мустақил суд қутқариши мумкин. Бу эса Президент Мирзиёев айтган кенгроқ ислохотлар, хусусан, суд тизимидаги ислохотларга бориб тақалади.

Журналист бировнинг ҳуқуқини химоя қилиш учун ўз ҳуқуқи химояланганидан амин бўлиши керак.

Бир ҳафта аввал Тошкентда уйлари бузилаётган аҳоли билан суҳбатлашган журналист милиция томонидан олиб кетилиб, сўроқ қилинди. Бу ҳақда фақат хориж сайтлари ёзди, Ўзбекистондаги биронта нашр буни ёритгани йўқ.

Албатта, 25 йил давомида мавжуд бўлган тотал кўрқув муҳити бир кунда йўқолиб қолмайди.

Лекин ҳеч қурса, тамал ҳуқуқлар, масалан, Конституциянинг 29-моддасида белгилаб қўйилган, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, тўплаш ва тарқатиш ҳуқуқига эга деган модда ишга туширилиши керак.

Бугун биз рақамли медиа технологиялари шиддат билан ривожланаётган бир даврда яшаймиз.

Бугун матбуот ахборот ишлаб чиқарувчи-ю, уни истеъмол қиладиган ўқувчи ё томошабин ўртасидаги муносабатдангина иборатмас.

Бугун ҳамма журналист, ҳамма ўзининг шахсий ахборот воситасига эга. Истаса радио, истаса телеканал очиб, хоҳлаган ахборотини тарқата олади, хоҳлаган тарғиботини юритиши мумкин.

Бу каби бир муҳитда ахборотни яшириш эмас, балки ҳақиқий ахборотни ёлғон ахборотдан ажратиш масаласи кўпроқ долзарб.

«Фэйкньюс» деб аталаётган кўриниш бугун бутун бошли давлатлар ўртасидаги можарога сабаб бўлаётганини кўриб турибмиз.

Бугун Европада мактабларда «медипросвешения» – «медиаоқартув» деган дарсларни жорий этиш ҳақида гапирилаяпти.

Бизда ахборот хавфсизлиги ҳақида кўп гапирилади. Ёшларни зарарли ахборотдан ҳимоялаш деганга ўхшаш ибораларни ишлатамиз, аммо айни пайтда ўзимиз зарарсиз, фойдали, долзарб ва қизиқарли контент яратмаймиз.

Натижада аксарият бугун ахборотни маънилик, ишончли манбалар ёки илм-фан, маданиятга бағишланган ресурслардан эмас, балки «Одноклассники» ёки «Телеграмм»дан кидириаяпти.

«Одноклассники»даги контент, у ердаги савия ҳаммамизга маълум.

Мен худди шу ерда анъанавий матбуот мезонларининг қўл келишига ишонаман.

Ҳозир бутун дунёда анъанавий матбуот инкирозга учраган пайт. Лекин ўзбек матбуотида рақамли технологиялар, ахборот коммуникация технологиялари, ижтимоий тармоқлар энди-энди кириб келаяпти.

Шу маънода ўзбек матбуоти ҳар икки матбуот, ҳам анъанавий ва ҳам янги медиа деб аталаётган матбуотнинг энг яхши жиҳатларини олиш имкониятига эга.

Бу йўлдаги тўсиқлар, цензура, ичкими, ташқими, қандай бўлишидан қатъи назар, қўрқув ва ижтимоий онгимиздаги кишанлардан қанча тез халос бўлсак, шунчалик яхши.

Ўзбек матбуоти кеча пайдо бўлган матбуот эмас. Унинг бир асрдан кўпроқ тарихи бор.

Бир аср муқаддам Бехбудий бу матбуотга асос солган пайт «Ҳақ, хуррият олинур, берилмас» деган шиор билан чиққан эди.

Менимча, эркин матбуот, эркин сўз бу ҳақ учун, хуррият учун доимий кураш, дегани.

Мағрибда ҳам, машриқда ҳам.

Шу курашда ҳамкасбларимизга куч-қувват, саломатлик тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

МАТБУОТНИНГ «МАҲАЛЛИЙ»СИ БЎЛМАЙДИ



Муҳаммаджон ОБИДОВ. *Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фаргона вилояти бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.*

Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини 1973 йилда тугаллагач, «Ёш Ленинчи», «Совет Ўзбекистони» газеталари, «Ўқитувчи» нашриётида мухбир, муҳаррир, ўттиз йилдан зиёд Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлик» студияси, «Ахборот» дирекциясида мухбир вазифасида ишлаган. Матбуот муаммоларига бағишланган, жумладан, «Журналист суриштируви: тажриба ва таҳлил» каби бир неча китоблар муаллифи.

Ўзбекистонда сўнги йилда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар туфайли жамият ўзгарди. Одамлар «уйгонмоқда». Ўн йилликлар давомида қатъийлашган «ўзингдан каттага гап қайтарма, у барибир ҳақ», деган ҳаётий мезон ўзгариб борапти. Ўйлаганини, тўғри деб билганини айта олиш, баҳсга киришиш, ўз фикрини, муносабатини ҳимоя қилиш, демакки, сўз эркинлиги турмуш тарзимиз мезонига айланмоқда. Бу эса матбуот эркинлигини янги даражага олиб чиқди. Интернетдаги айрим сайтларга бир кунда юз минглаб ўқувчи мурожаат қиляпти. Телеканалларимизда-

ги баъзи кўрсатувлар миллионлаб томошабинларни йиғмоқда. Кўча-кўйда, йигин ва маросимларда ҳам ОАВларда кўтарилган мавзу ва воқеликларнинг баҳсли муҳокамаси давом этмоқда. Ҳа, тан олиш керак, ўтган бир йил Ўзбекистон жамиятини ўзгартира олди.

Устозларимиз журналист воқеликдан бир қадам олдинда юриши керак, деб ўқитганлар. Лекин бугун шундай бўла олмадик. Аксинча, мамлакат раҳбари қабул қилган фармон ва қарорлар ортидан «чошиб» юрибмиз. «Жуда тўғри ва зарур қарор қабул қилинди», деймиз. Аммо унинг моҳияти мавзусини аввалроқ матбуотда кўтариб чикмадик, муаммога жамоатчилик эътиборини тортиб, бонг урмадик. Шу бугунги вазиятнинг ўзи – бизга ибрат, сабоқ.

Аслида, ким соҳада неча йил ишлагани эмас, қандай ишлагани муҳим. Бугун ҳурматли ҳамкасбларимиз матбуотда, айниқса, босма нашрларни аёвсиз танқид қилмоқдалар. Газеталарда, аввало, марказий, отахон нашрларда жамиятимизда рўй бераётган сифат ўзгаришининг руҳи ҳамон сезилмаётгани бот-бот таъкидланмоқда. Мен ҳам уларнинг фикрини қисман қўлламан. Биз вилоятда ўтказиладиган ўқув-семинарларида «Жамият», «Ўзбекистон овози», «Оила ва жамият» каби санокли газеталардаги ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш услуби, журналист маҳорати, таҳририятнинг муаммо ечимидаги изчиллиги каби хусусиятларни таҳлил қиламиз. Аммо марказда бундай нашрлар жуда кам. Биз «Халқ сўзи» мамлакатнинг энг адади кўп «оммавий» газетаси сифатида замонавий журналистикамизда ҳам етакчилик қилиши, ибрат бўлишини жуда-жуда истаймиз. Расмий ахборот ва мақолалар билан бирга, эркин мавзуларда баҳсли масалаларга ҳар кимнинг ўз муносабатини билдириб, жамиятни фикрлашга ундайдиган чин маънодаги оммавий минбарга айланишини истаймиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва хориждаги ҳамкасб, таҳлилчилар Ўзбекистон босма ОАВлари деганда, фақат мамлакат миқёсида чоп этиладиган газеталарни назарда тутишаётгани ва уларга қараб хулоса чиқаришаётгани унчалар тўғри эмас.

Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган 700 га яқин босма нашр бор. Биргина Фарғона вилоятида уларнинг сони 80 дан ошди. Улар орасида зехнли танқидчиларимиз назарига тушмаётган газета, иқтидорли журналистлар борки, вилоят аҳли, газетхон аллақачон касбий маҳорати, замонга ҳамоҳанглиги борасида ўз муаллиф ва нашрларини таниб олган. Бир неча йиллардан буён узлуксиз равишда 5-10 минг ададда чоп этилаётган «Маънавият», «Истиқбол йўли», «Бувайда кўзгуси», «Устоз» каби газеталар сафидан «Янги Фарғона», «Бағдод ҳаёти», «Хушвақт» нашрлари ҳам ўрин олди. Уларда ислохотларнинг йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммо ва камчиликларни дадил кўтариб чиқиш, уларни танқид қилибгина қолмасдан бундай нуқсонларнинг олдини олиш бўйича амалий фикрлар бериш, ҳар қандай муаммонинг сабабларини ўрганиш, мавзуга холис ва ҳаққоний ёндашишни кузатиш мумкин.

Айрим мисолларга мурожаат қиламиз. Қўштепа тумани ҳокимлиги муассислигидаги «Истиқбол йўли» газетасида муштарийлардан келган мактублар асосида «Журналист суриштируви» рукни остида ёритилаётган ҳар бир таҳлилий ва танқидий мақола натижа бераётир. Масалан, фуқароларнинг таҳририятга қилган мурожаати асосида ёзилган «Янги раис ваколатга эгами?» таҳлилий-танқидий мақолада туман раҳбари (ҳозирда собиқ) тавсияси билан ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни тартибга солуви амалдаги қонунчиликка зид услубда ўтказилган сайлов натижасининг ваколатли эмаслиги далиллаб берилган. Аммо собиқ ҳоким «мен айтган одам раис бўлади!» дея фикрида қатъий туриб олади. Таҳририят масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисига мурожаат қилди. Натижада, Дўрмон кишлоғида сайлов қайтадан ўтказилиб, қонун устуворлиги таъминланди.

«Хўроз кичқирмаса, тонг отмайдими?!» сарлавҳали журналист суриштируви ҳам бир гуруҳ муштарийлар мурожаати асосида дунёга келган. Унда чигит навини синаш станцияси учун ажратиб берилган майдонлардан агротехника талаблари асосида фойдаланилмаётгани сабабли, оддий хўжаликларда янги

навлардан юқори ҳосил олинаётган бир пайтда, бу хўжаликда режалар сурункали бажарилмай келинаётгани сабаблари очиб берилди. Бу муаммо ҳам таҳририятнинг қатъияти билан охири-оқибат Олий хўжалик суди аралашувида бартараф этилди. «Фаолликни амалда қачон исботлайсиз?» (сиёсий партияларнинг туман ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётидаги роли ва таъсири етарли эмаслиги хусусида), «Ўринсиз баҳоналар, бефарқ раҳбарлар» (худудлар инфратузилмасини ривожлантиришдаги ўзибўларчиликлар ҳақида), «Ҳаммомларга бир назар» (саломатлик манбаи бўлган ҳаммомлар қурилиши ва мавжудлари ишламаётгани тўғрисида), «Абадият»да нима гап?» (туман марказидан энг олисдаги қишлоқ аҳолисининг ҳақли талаблари қондирилиши кераклиги ҳақида) ва бошқа бир неча ўнлаб мақолалар жойлардаги муаммолар ечимига хизмат қилди.

«Маънавият» газетасида чоп этилган «Талабалар сессиясидаги ўйлар», «Тўйларимиз қачон тартибга тушади?», «Тўй – маънавият кўзгуси» каби таҳлилий-танқидий мақолаларда кўтарилган мавзулар кенг жамоатчиликда баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Газета фақатгина бу мақолалар билан чекланиб қолмай, унга нисбатан турлича муносабатдаги фикрларни ҳам чоп этди. Бу эса жамиятда йиғилиб қолган баъзи бир муаммоларга жамоатчилик назорати пайдо бўлишига ҳам хизмат қилди.

«Устоз» газетасидаги «Бола жиноятга қўл урса... Бунга ким айбдор? Унинг ўзими, ота-онасими ёки ўқитувчи?», «Битирув тадбирлари: дабдабаларга ким сабабчи?», «Интернетдаги таҳдидлар: тўғри йўлдан адашманг», «Соч ёзиш одобданми?» ва бошқа бир қатор танқидий-таҳлилий мақолаларда фарзанд тарбиясидаги долзарб муаммолар қаламга олинган. Шуни айтиш керакки, газетанинг бу мақолалар чоп этилган сони қўлма-қўл бўлди. Маҳалла, мактаб, ўқув юртларида муҳокама қилиниб, муносабат билдирдилар.

Ёки «Янги Фарғона» газетасини олайлик. Аслида, ижобий тажрибани оммалаштириш мақсадида чоп этилган Учкўприк тумани Тепакўрғон МФЙ худудидаги хонадонларда томорқасидан бир йилда 3 марта ҳосил олаётган инсонлар

ҳақидаги «Томорқа – рўзғор баракаси» номли мақола тортишув, баҳс-мунозарага сабаб бўлди. 5-10 сотих томорқаси бўла туриб ҳеч нима экмаётганлар сув таъминоти, уруғчилик, маҳсулотни сотиш каби қатор муаммоларни кўтариб чикдилар.

Бу бир қарашда майда масаладек туюлар. Лекин саҳифаларда ҳар икки томонга ҳам минбар, ўз фикри тўғрилигини исботлашга имкон берилиши илгари бир ёқлама тарғиботчига айланган газетага янгича руҳ бағишлади. Унинг ихтиёрий муштарийлари сафи ортди. Қолаверса, «Янга Фарғона» тамомила янгича қиёфа касб этди. Дизайни, ҳеч муболаға эмас, мамлакатимиздаги энг кўримли шаклда. Сарлавҳа танлаш, мақоладаги муҳим сатрларни ажратиб кўрсатиш, иқтибосларни бошқа ўлчовдаги ҳарфлар ва рангда жойлаштириш, фотосуратларда эркин ҳаётий ҳолатни акс эттириш... мавзулар долзарблиги ва журналист малакаси билан уйғунлашиб, талабчан ўқувчи эҳтиёжини кондираётгани қувончлидир.

Ҳа, вилоятларда шу каби газеталар бор. Чимён медиалагери чоғида Самарқанднинг «Зарафшон», Амударёнинг «Амударья тараққияти», Жомбойнинг «Жомбой тонги», Наманган шахрининг «Наманган садоси» каби нашрларидаги руҳ, журналист маҳорати, газетачилик тажрибаси умумўзбек матбуотининг юзи бўла олишини кўрдик.

Шу ўринда яна бир гап. Баъзи ҳамкасбларимиз, ҳатто ҳурматли олимларимиз ҳам, «маҳаллий матбуот» деган иборани қўллайдилар. Мен бундай таснифга мутлақо қаршиман. Матбуотнинг «марказий» ёки «маҳаллий»си бўлмайди. ОАВ ва унда айтилган сўз учун таҳририят ва муаллиф Тошкентда ҳам, Фарғонада ҳам қонун олдида баравар масъул. Гап нашрнинг марказда ёки вилоятларда чоп этилаётганида холос.

Биз замонавий журналистика ҳақида гапирган, таҳлил қилган пайтда Ўзбекистондаги барча ОАВларни билиш ва назарда тутишимиз адолатдан бўлади.

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ТЎРТТА «Т»СИ



Ўктамбек КАРИМОВ (Сарвар Усмон).

1958 йилда Ўш шаҳрида тугилган. 1980 йилда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини тугатгач, дастлаб Комсомолобод туманида, 1981 йилдан Ўшдаги мактабда ўқитувчилик қилган. Кейинроқ Ўш вилоят «Ленин йўли» газетаси ходими, 1995 йилдан «Озодлик» радиоси мухбири, 1996 йилдан Ўшдаги хусусий телевидение муҳаррири, 2001 йилдан «Озодлик» радиосининг ўзбек тилидаги эшиттиришлар радиоси таҳририяти (Прага)да етакчи мухбир бўлиб ишлаб келади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими уюштирган медиалагеръ – ўқув семинарига «Озодлик» радиосини ҳам таклиф қилгани учун ҳамкасбларим номидан тадбир уюштирувчиларига миннатдорчилигимизни билдираман.

Бугунги мулоқотимиз бир томонлама бўлаяпти. Яъни мен гапираяпман-у, семинар давомида Сизлар билдираётган фикрларни, устоз-тренерларнинг ўгитларини эшитмаяпман, бир-бирингиз билан ўртоқлашаётганингиз – тажрибадан бебаҳра қолаяпман. Лекин келажакда юзма-юз ўтириб, жонли мулоқот қилишимизга умидим бор.

Демак, «Ўзбек матбуоти: таҳлил, танқид, таклиф».

Журналист ишининг 4 та «Т»си ҳамда ўқувчининг «иннайкейин»лаб ўтиришга вақти йўқлиги тўғрисида бўлади айтадиган гапларим ва таклиф қилинган мавзу доирасидан чиқмасликка ҳаракат қиламан.

Аввало, шуни айтишим керакки, кейинги бир йил ичида ўзбек оммавий ахборот воситалари аввалги йиллардагига нисбатан анча фаоллашди. Ёритилаётган мавзулар тематикаси бойиди. Ҳамкасбларимнинг журъатига журъат қўшилди.

Фикримга бу йил Тошкентда очилган Халқаро Пресс-клубда вазирлар, ҳокимлар иштирокида ўтказилган матбуот анжуманлари, қатор ахборот воситаларининг мамлакатда содир бўлаётган воқеаларни оператив ёритишга уринаётгани ва бу ишни баъзан анчайин, кўп ҳолларда анча уйдалаётгани мисол бўла олади.

«Озодлик»нинг жорий йил 12 сентябрда ёритган хабарларидан бири мана бу жумла билан бошланганига эътибор беринг:

«Kun.uz сайти Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида август ойи охирида рўй берган воқеа акс этган видеони эълон қилди».

Ҳа, ўшанда «Озодлик» Сайхунобод ҳокими Носиржон Эгамбердиев тумандаги мактабларнинг директорларини йиғиб, калтаклаганини Kun.uz сайтдан билди.

«Kun.uz» бунга ўхшаш воқеаларни мунтазам ёритишга ҳаракат қилапти. Сайт 23 ноябрь куни Андижон шаҳри ҳокими Дилмурод Раҳматуллаев шаҳардаги мактаблар, коллежлар ва академик лицейлар раҳбарларини йиғилишда сўкиб ҳақоратлагани, аёл директорларни таҳқирлаб, ерга ургани ҳақида ёзди.

Тўғри, бу воқеани «Kun.uz» «Озодлик»дан 2 кун кейин ёритди, лекин тан олишимиз керакки, «Kun»нинг материали «Озодлик»никидан анча бой бўлди. Сайт ҳокимнинг зўравонлиги акс этган аудиоёзувни у билан 28 августда ўтказган видеоинтервьюси билан қўшиб бердики, натижада ўқувчи-томошабинда ҳоким тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имкони пайдо бўлди.

Лекин мустақил ва ярим расмий ахборот воситаларида кузатилаётган дадилликни расмий воситаларда ҳам кўраяпмиз, дейишга, ҳозирча эртага ўхшайди. Муҳими тенденциянинг

ижобий эканлигида.

Биласизки, журналистнинг иши 3 та «Т»дан иборат: Информациони Тўплаш, Тахлаш ва Тарқатиш. Бу 3 та «Т» ёнига тўртинчи «Т» – Тасдиқлашни ҳам қўшмоқчиманки, уни мен иккинчи ўринга қўйган бўлардим.

Бундан бир неча йил олдин журналист дастлабки иккита «Т»ни бажариб, ишни дўндириб қўйдим, деб уйига кетаверар эди. Яъни информацияни излаб-топиб – тўплар, кейин уни тайёрлар – тахлар эди. Тарқатиш эса нашр раҳбариятининг бош оғриғи эди.

Эндиликда, Интернет ва ундаги ижтимоий тармоқлар замонида Тўртинчи «Т» – тарқатиш ҳам журналистнинг зиммасига тушаяпти. Ҳар бир нашр жамоаси биргаликда ва жамоанинг ҳар бир аъзоси ўша тўртинчи «Т» билан шуғулланмаса, информация рақобати фавқулудда кучайган бир шароитда нашр муштарий эътиборидан бир зумда четда қолиб кетиши мумкин.

Ҳатто кейинги пайтларда информацияни тарқатиш билангина шуғулланадиган янги касб – «Ижтимоий медиа продюсери» пайдо бўлди. Биз «Озодлик»чилар айта оламизки, 27 тилда эшиттиришлар олиб борадиган «Озод Европа»/«Озодлик радиоси» оиласида Ижтимоий медиа продюсерлари дастлаб айнан бизнинг таҳририятдан етишиб чиқиб, иш бошлади ва бизнинг тажриба бошқа тиллардаги таҳририятларга ҳам кўчди.

«Озодлик»нинг Ижтимоий медиа продюсерлари ўзлари ҳам контент яратиш билан бирга, асосан, кундалик махсулотни ижтимоий тармоқларда тарқатиш билан шуғулланади. Бу алоҳида, ўзига хос малака, ўзига хос илмдир.

Семинар иштирокчиларига ўзларининг кундалик фаолиятида, таҳририятларида шу масалага эътибор қаратишни маслаҳат берган бўлардим.

Тўртинчи «Т»дан, биринчи «Т» – информацияни излаш-топиш – тўплаш босқичига қайтамиз энди.

Ҳамкасблар, биласизки, бу босқич – ишимизнинг энг оғир босқичи. Сўз ва матбуот эркинлиги максимум бўлган давлатларда ҳам шундай: зеро ҳеч қайси давлат амалдорининг журналист

билан гаплашишга «кўзи учиб тургани» йўқ.

Информацияни тиришиб, тирмашиб, вақти келса тирнокларингизни қонатиб оласиз.

Лекин кейинги бир йил ичида бу соҳада ҳам Ўзбекистонда яхши ўзгаришлар бўлаётганини биз, «Озодлик»чилар сезиб турибмиз. Авваллари мамлакатдаги давлат амалдорларининг, вазирликлар ва ҳокимликлар матбуот котибларининг «Озодлик» учун стандарт жавоби бор эди:

«Сиз Ўзбекистонда аккредитациядан ўтмаганингиз учун саволингизга жавоб беролмаймиз», дер эди улар.

Кейинги бир йил ичида эса, нари борса 3 марта эшитдик бундай жавобни. Мухбирларимизнинг қўнғироқларига жавоб берган амалдорларнинг гаплашиш оҳанги ҳам анча юмшаб қолганга ўхшаяпти. Ҳар ҳолда, «Йўқ»ни улар шу қадар чиройли айтишни бошладики, баъзида ҳамкасбим телефон гўшагини қўйгач, «яхши одам экан», деб қўяди.

«Хўш, нима деди?» деб сўрасам, ҳамкасбимнинг эсига амалдорга нима учун телефон қилгани тушиб кетади ва тарвузи қўлтиғидан тушиб, «ҳеч нима», дейди. Кетидан қўшиб қўяди: «Барибир, яхши одам экан».

Бизнинг журналист сифатидаги асосий вазифамиз информация беришдир. Холис, бетараф, объектив информация беришдир.

Шу ўринда «Озодлик» тажрибасидан бир материал эсимга тушди.

Жорий йилнинг июлида «Озодлик»ка мактуб билан мурожаат қилган 28 нафар бухоролик тадбиркор вилоят ҳокими Ўқтам Барноевни Президент Шавкат Мирзиёев бошлаган хусусий мулк ва тадбиркор ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш сиёсати, шу йўналишда қабул қилинган қонун ва қарорларга қарши чиқаётганликда айблади. «Озодлик» уларнинг иддаоларини диққат билан ўрганди ва юзага келган вазият юзасидан вилоят ҳокимлигидан изоҳ сўради.

Ҳокимликнинг тадбиркорлар тилга олган жараёнлардан бевосита хабардор мулозими «Озодлик»нинг тадбиркорлар билан суҳбатлари давомида пайдо бўлган саволларини сабр билан эшитди, ҳар бир саволга ўз жавобларини берди.

Натижада 26 июль куни эфирга узатилган ва шу куниёқ сайтимизда эълон қилинган тўлақонли мақола пайдо бўлди.

Унда Бухорода юзага келган вазият юзасидан ҳар икки тарафнинг айтганларини бердик. Хулоса қилиш эса тингловчига, сайтхонга қолди.

Кейинги бир йил ичида «Озодлик» сўраган информацияни тўрачилик қилмай берган вазирликлар, ҳокимликлар мулозимларининг ҳаммасини санаб ўтиришга вақт етарли эмас.

Муҳтарам ҳамкасблар, биз – «Озодлик»чилар Сизга – мамлакат ичидагиларга ҳавас қиламиз. Сиз қарор қабул қилувчи амалдорлар билан, воқеа-ҳодисаларнинг иштирокчилари билан бевосита мулоқот қилиш имконига эгасиз. Ҳар ҳолда, улар билан битта ҳудудда яшаганингиз учун, бундай имкон принципда мавжуд.

Лекин информация манбаи бўлган ҳудудда яшашнинг журналист ишига халал берувчи томони ҳам бор: воқеа-ҳодисалар ичида яшаётган одам уларнинг қай бири ёзишга арзийди-ю, қай бири арзимаслигини дабдурустдан ажрата олмай қолиши мумкин.

Бирок ҳеч қачон кўникиб бўлмайдиган, қанча кўп содир бўлса ҳам, ҳар гал бонг урилиши керак бўлган воқеалар бўлади.

Мана биргина мисол: Президент Мирзиёев 9 ноябрь куни Самарқанд вилоят Халқ депутатлари кенгашида қилган чиқишида вилоятдаги долзарб муаммолар қаторида, аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш даражасининг юқорилигича қолаётганини тилга олди. «Бу кўрсаткич 145 тани ташкил этади», деди ўшанда Президент.

Хўш, бизу Сиз, «Озодлик»у мамлакат ичидаги нашрлар ҳаммамиз бўлиб, биргина Самарқанд вилоятидаги бу 145 фожианинг қанчаси тўғрисида хабар бердик? Мамлакат бўйлаб-чи? Тўплаб келса, 10 тага ҳам бормаса керак?

Демак, биз журналистлар ўз ишимизни тўла бажармабмиз. Ўйлаб кўриши учун, хулосалар чиқариши учун, бундай фожиаларнинг олдини олиши учун жамиятга беришимиз керак бўлган информацияни бермабмиз.

Журналист ишининг 4 та «Т»сидан иккинчисига тўхталсам, энди.

Иккинчиси «Тасдиқлаш»дир. Аслида, бу «Т» мантиқан биринчи «Т» – «Тўплаш»нинг таркибида. Ахир, журналист информацияни тўплашга киришар экан, уни, яъни информацияни эгасидан олади, яъни биратўла тасдиқлаб олган бўлади-ку, тўғрими?

Лекин ижтимоий тармоқлар замонида информация «ўз оёғи» билан юра бошлади. Тармоқда тасдиқланмаган, жамоатчилик фикрини алғов-далғов қилиб юбориши мумкин бўлган информациялар кўпайди. Мана шу вазият Тасдиқлашни алоҳида «Т» даражасига чиқаришни тақозо қилмоқда.

Шу ўринда «Озодлик» тажрибасидан эскироқ бўлса ҳам, воқеа фавқулудда бўлгани учун, бир мисол келтирмоқчиман.

Бундан 3 йил олдин Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида истиқомат қилувчи ҳайдовчи йўл четидан ичида радиоактив модда бўлган идиш топиб олгани ҳақида хабар етиб келди.

Табиийки, бу хабар газимизнинг босими паст, чироғимиз ёнмаяпти, деган маиший характердаги шикоят эмаски, шикоятчи билан боғланиб, шундай шикоят ёзганини билгач, эълон қилиб юбораверадиган.

Ўшанда «Озодлик» радиоактив моддага оид хабар кетидан борди. Ва Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси мулозими ҳақиқатан ҳам топилган идиш ичида радиоактив модда бўлганлигини тасдиқлади.

Шундан кейингина хабарни эълон қилдик.

Навбатдаги гап журналист ишининг учинчи «Т»си – информацияни тайёрлаш тўғрисида. Мен, шахсан, тахлаш сўзини маъқул кўраман.

Менимча, миллий журналистикамиз шу масалада бир оз оқсаётгандай.

Тингловчи-ю томошабин, айниқса, газетхону сайтхон чувалачилик Юсуф контордан қиморга ютиб олгани кўрғоннинг баҳаво шийпонида нонуштага калла гўшти еб, ястаниб ётган, «иннайкейин»лаб, ижиклаб ҳар нарсани сўрайверадиған Сарибой бўлис эмас. Журналист эса, унинг ҳар бир «иннайкейин»ига ёлғон жавоб топиб берадиған Шум бола эмас.

Бугунги тингловчи-ю томошабин, айниқса, газетхону

сайтхонга гапнинг лўндасини, индаллосини айтиш керак.

Гапим қуруқ бўлмасин учун бир мисол келтирай.

17 ноябрь куни Президент Мирзиёев Сергели туманига борди ва бу ҳақдаги расмий хабарнинг структураси бундай эди:

биринчи абзац: Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда берган ваъдалари;

иккинчи абзац: ваъдага биноан Сергели туманида янги массив пайдо бўлгани;

учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи абзацларда ҳам айтилиши керак бўлган, лекин кейинроққа ташлаб қўйса бўлаверадиган – масала тарихига оид маълумотлар берилган.

Асосий информация, муштарий учун – томошабину тингловчи, айниқса, газетхону сайтхон учун қизиқ бўлган, унинг ҳам шуурига, ҳам ҳиссиётига таъсир қиладиган, тошкентликлар кутаётган информацияни ЕТТИНЧИ абзацдан топасиз.

Мана, ўша инфо:

«13 гектар майдонда 66 кўп қаватли уй-жой қад ростлаган. 1, 2, 3 хонали бу уйлар аҳолига имтиёзли кредитлар асосида берилди. Уйлар атрофида 240 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 630 ўринли ўрта таълим мактаби, 61-сонли оилавий поликлиника, ёпиқ турдаги сузиш ҳавзаси, шаҳар милиция бўлинмаси, почта ва китоб дўкони, дам олиш масканлари, болалар майдончалари, автомобиль турар-жойлари, велотрассалар барпо этилган».

Шахсан мен хабарни шу абзацдан бошлаган бўлар эдим ва биринчи жумла мана бундай қурилган бўларди:

«Сергели туманида 1 йилда 13 гектар майдонда 66 та кўп қаватли уй қурилди».

Ахир, куннинг асосий гапи – индаллоси шу эмасмиди?!

Хабарнинг сарлавҳаси ҳам, менимча, таҳрирталабдир. Мана у: «Шавкат Мирзиёев Сергели туманида қурилган янги уйларни бориб кўрди».

Наҳотки, бу сарлавҳа таркибига «66 та кўп қаватли уй»ни сиғдириб бўлмаса?

Ўрганганимиз хабар муаллифи ва у ишлайдиган нашр гапларимизни оғир олмасин. Бу хабарни унинг таркибидаги янгилик унсури ўта ёрқин бўлгани учунгина, информацияни

тўғри тахлаш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатиш учун мисол тариқасида келтирдик.

Умуман эса, кейинги 1 йил ичида ҳамкасбларимиз тайёрлаётган информацияларда информация кўпайиб, «сув» озайди, баландпарвоз ва узундан-узоқ жумлалар озайди.

Азиз ҳамкасблар, фурсатдан фойдаланиб, яна бир гапни айтмоқчиман. Аслида, бугунги мулоқотимиз ўзаро ҳамкорликнинг бошланиши эмас, давомидир.

Ҳамкорлигимиз эса, бир-биримизга бу ҳақда айтмаган бўлсак-да, аллақачоноқ бошланган. «Озодлик» Сиз ёзаётган янгиликлару мақолаларни диққат билан ўқиб келмоқда, улардан ўз фаолиятида фойдаланмоқда. Орангизда бизнинг материаллардан фойдаланаётганлар ҳам бўлса, ажаб эмас. Бу табиий ва биз «Озодлик»чилар бунни олқишлаймиз. Бизнинг ишимиз Сизнинг ишингизсиз чала бўлган бўларди. Ўз навбатида бизнинг ҳам Сизга ёрдамимиз тегаяпти, деб умид қиламиз.

Шу ўринда «Озодлик»нинг бир лойиҳаси ҳақида Сизга айтиб қўймоқчиман. «Озод Европа»/«Озодлик радиоси» Марказий Осиё мамлакатларининг асосий 5 та тили, шу жумладан, ўзбек тилида 2015 йилдан бошлаб Марказий Осиё янгиликлар хизматини ишга туширган.

Ўзбекистонда демократия уфқларининг, демакки, сўз ва матбуот эркинлиги уфқларининг кенгайиш потенциали ҳали жуда катта.

Уфқлар кенгайган сари кун тартибига миллий журналистикамининг янги ва янги масалалари чиқаверади.

Биз «Озодлик»чилар Сиз билан ўша масалаларни бугунгидай биргалиқда муҳокама қилишда давом этаверамиз, деб умид қилиб қоламиз. Зеро, Сиз билан биз Битта Ишни қиляпмиз.

ДАРД АЙТСАНГ ДАРДЛАШГУЛИК



Чори ЛАТИПОВ. 1958 йилда Қашқадарё вилояти Ғузор туманида туғилган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. Журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» миллий мукофоти соҳиби.

Ғузор тумани, вилоят газеталарида ҳамда республика «Саодат», «Тафаккур», «Сиҳат-саломатлик» журналлари, «Ишонч», «Маҳалла» рўзномаси таҳририятида фаолият юритган. Ҳозир «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири.

Дарёнинг шовуллаши турли ҳолатда турлича эшитилади. Узоқроқдан эшитсангиз, қалбларга ёқимли мусиқа каби майин-майин садо етиб келади. Унга яқинлашган сайин эса фақат майин садо эмас, мавжларнинг овозини ҳам эшитасиз. Янада яқинлашавериш билан бу майинлик ўзгариб боради. Унинг тепасига келгач эса бу бир майингина садо берувчи оқим эмас, шаддод, шиддаткор, юракка ваҳм солувчи оқим эканлигини ҳис қиласиз. Тошлардан тошларга урилаётган бу оқим ичида бўлиш учун аввало шиддаткорлик туйғуси, катта жасорат керак...

Бугун Ўзбекистон Президентининг бевосита ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар жараёнида ҳам қайсидир юртдошимиз фаол, яъни шу тошқинлар ичида, қайсидир юртдошимиз унинг атрофида ахборотларни кузатиш ва уни баҳолаш билан банд. Энг эътиборлиси, оқимни кузатиб, баҳолаб турувчилар – бу жараёндан энг кўп манфаатдор

бўлган қатлам одамлари. Кузатиш ва баҳолаш билан банд бўлган юртдошларимиз жараённинг, яъни ўша оқимнинг қандай машаққат билан амалга ошишини у даражада ҳис қила олмайди. Улар учун натижа қизиқ, натижадан баҳраманд бўлиш истаги устувор уларда.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг бу жараёндаги ўрни қандай? Кечаги, аниқроғи, мустақиллик давригача бўлган бош муҳарирлар фақат ижодий фаолият учунгина ўзини масъул деб биларди холос. Тасаввур қилинг-а, ҳатто республика нашрлари раҳбарлари таҳририят ходимини ишга олиш, вазифасидан озод қилиш ҳақида ҳужжат имзолашга ҳам ваколатли эмасди. Уларнинг миясида қоғозни қаердан, қандай нархда олиш, обунани қандай ташкил этиш, ходимларга қандай маош белгилаш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш каби масалалар йўқ эди. Бугун бош муҳарир буларни-ку қўяверинг, ҳатто ходимига пул қарз беришдан тортиб, ташкилот пулини хорижий валютага алмашлаб, нашр учун жиҳоз, ашёлар сотиб олишгача бўлган масалалар ечимини ўйлайди. Бу ҳолатнинг яхши тарафи шундаки, таҳририят раҳбари ижодий соҳа сарф-харажатларини тушунмаган бир раҳбарга маблағ сўраб сарғаймайди. Ижодкорга иш ҳақидан ташқари, қалам ҳақи ҳам тўлаш лозимлигини ҳар кирганда изохлаб беришга мажбур бўлмайди. Аммо бу маблағ қаердан келади, қандай ишлаб топилади? Бу масалалар ечими доирасидаги ҳаракатлар ҳозирда кўплаб, айниқса, нодавлат нашрларни деярли тижоратчи ташкилотга айлантириб қўйди. Хуллас, яхши ва ёмон томонлар...

Ўртада эса янги муаммолар, ҳатто қайсидир нашр керакми-йўқми, деган муаммогача. Ҳозирги нашрларни мазмунан таҳлил қилсангиз, улар орасида ҳали барча қонунларга амал қилиб, нашрнинг ҳар бир ҳарфидан то айтган фикригача ўзини жавобгар, деб ҳисоблаб фаолият юритаётган давлат ва жиддий мақомга эга бўлган нодавлат ташкилотлар муассислигидаги нашрлардан тортиб, газета ёки журнал дегани мавжуд саҳифаларни ёдга келган ёзувлар билан тўлдиришнигина ноширчилик деб тушунадиган, мазмунан мантиқсиз, сиёсий хатоларга тўла, жавобгарлик умуман ҳис қилинмаган нашрларгача мавжудлигини яққол сезасиз. Буни саралаш ўқувчига ҳавола, деймиз. Лекин ўқувчи шунга тайёрмикин? Саралаш даражасига етмаган бўлса-чи? Матбуот эркинлиги, унинг

савияси даражасини, баҳосини, ол ўзинг белгила, деб ўқувчига ташлаб қўйиш... бу тўғрироқдир-у, лекин юз фоиз, яъни тўппа-тўғри эмас. Биласизми, халқимизда, ўроқдай тўғри, деган гап ҳам бор-а... Агар шу тамойиллар бўйича баҳоланиш натижаларини оладиган бўлсак, бугун шов-шувга, бировлар, асосан раҳбарларни бадном қилишга, қахрамон ясашга зўр берган нашрлар кўпчилигининг, айниқса, ёшларнинг «булар зўр нашр»лар деган баҳосини олади. Бундай баҳога асосий сабаб деб унинг қизиқарлилигини эътироф этишади. Аммо сиёсий, ижтимоий, маънавий, маърифий, хуллас, жамият ҳаётига жиддий, ўз ўрнида эҳтиёткорона муносабатда бўлган (негадир, «эҳтиёткор» сўзи ҳам бугун салбий баҳога молик бўлиб қолди) нашрлар асосан «эски қолипда», «ҳозиржавоб эмас», «қизиқ жойи йўқ», «бир-бирига ўхшаш» каби «мақтов»лар билан сийланади. Шахсан мен бундай нашрларга нисбатан айtilган бу баҳоларнинг баъзиларига қўшиламан. Лекин бундай баҳолашда жамият, инсон манфаати, нашрнинг мақсади иккинчи даражали бўлиб қолмаяптими? Оддий бир мисол, бугун маърифий соҳада ишлайдиган одам ҳам ҳатто мавзуси ўз соҳасига йўналтирилган нашрдан олдин ўша «қизиқарли» нашрни сотиб олаяпти ёки унга обуна бўлаяпти ва яна соҳа бўйича маълумот камлигидан ёзғириб юраяпти. Ёки фаолияти муаммоларга тўла фермер ҳам даласига қандай ишлов бериш ҳақида ёзадиган ёки ўз соҳаси бўйича тажриба алмашадиган нашр қолиб, ўта қизиқарли нашрларга қизиқаяпти. Ундан «нега далангни ҳашарот босди», деб сўрасангиз, «мен қаердан билай, илгари ўқитувчи бўлган бўлсам», дейди. Қизиқишни қондириш, бу – инсон матбуотдан қондирадиган эҳтиёжининг бир қисми холос.

Гап айланиб, мажбурий обунани оқлашга келиб қолаётганга ўхшаяпти, назарингизда. Фикрларимни ўқиётганлардан баъзилари шу ерга келганда менга шу айбни юклаши табиий. Ҳа, бугун сиз чиқараётган нашрга обуна бўлиш ҳақида фаолияти ёки жамиятдаги вазифаси шу нашрдан фойдаланишни тақозо этаётган одамга тушунтириш ёки таклиф берсангиз ҳам, сизни мажбурий обуна ижрочисига тенглаб қўяди. Нимагаки, нашр қизиқарли бўлса, ҳамма нарса очиқ ёзилса, обуна ўз-ўзидан бўлиб кетармиш. Ҳамманинг қайси нашрни ўқиши унинг ихтиёридаги иш эмиш.

Тўппа-тўғри, аммо кимдир ўзига қайси нашр зарурлигини англаб етмаётган, етолмаётган ёки хоҳламаётган бўлса-чи? Очиқ ёзиш, қизиқарли маълумот бериш, муштарий овлаш учунгина бўлса-чи? Яна бу, айтганимиздек, эҳтиёжнинг бир томони бўлса...

Анджон вилоятида «Қишлоқ ҳаёти» газетасига деярли барча фермерлар обуна қилинади. Ҳа, сизга ишимизни баҳолашга имкон бериш учун «қилинади» сўзидан кочмаяпман. Бу сўз шунинг англатадики, бу ерда ташкилий ишлар фермерларнинг ўзи томонидан бажарилмаяпти. Рости, фермерларнинг ўзига қолса, газета обунасига вақти ҳам йўқ, эътибори ҳам тамоман бошқа нарсалар билан банд. Обуна учун ҳам нечта идоранинг эшигини қоқиш керак, ахир? Айниқса, пул ўтказишга келганда иш таққа тўхтайдди. Ана шундай жараёни ташкиллаштиришда фермерга ёрдам зарурми, йўқми? Бошқа ташкилот ходими-чи? Масалан, маҳалла тизимида фаолият кўрсатаётган ходимга тизим фаолиятига оид ёки бошқа бир зарур нашрга обуна уюштиришга кўмаклашиш, борингки, унга бу ҳақда эслатиш зарарлими? Шу ҳаракатлар оқибати ўлароқ бир гап. Бу одамларни бирлаштирган ташкилотлар бош-қош бўлса, бунинг нимаси ёмон? Фермерлардан бири тахминан шундай эътироф этади: «Мен ташвишлар билан бўлиб, ҳеч қачон газетага обуна бўлишга вақт ҳам топмаган бўлардим, маблағ ажратишга ҳаракат ҳам қилмасдим. Тахририят ва бошқа биз билан молиявий боғлиқ ташкилотлар бизнинг аризамизга асосан бизни газетага обуна қилишди. Йил давомида 156 марта тарқатувчилар эшигимизни қоқиб газета олиб келди. Яхшими-ёмонми, бир йил давомида соҳамдаги янгилик ва мулоҳазалардан хабардор бўлдим, оила аъзоларим ўқиб туришди». Бу гап билан нимани оқламоқчиман (ҳар ҳолда бу фикримни шундай урғу билан баҳолашини ҳис қилиб шундай деяпман)? Менимча, нашр обунасини ташкиллаштириш, уни ўқишга даъват этиш, обуна бўлишида кўмакчи бўлиш салбий ҳолат эмас, бунда мажбурлик аломатлари ҳам йўқ, аксинча, зарурият. Шубҳасиз, гап бу ўринда ходимнинг ойлик маошидан берухсат ушлаб қолиб, обуна қилдириш ҳақида эмас. Бу ҳаракат нафақат эътирозга молик, балки ноқонуний ҳаракат ҳам деб баҳоланса, тўғри бўлади. Шунингдек, синф раҳбарлари ўз ўқувчилари ота-

оналари билан келишган ҳолда пул йиғиб (негадир, «пул йиғиш» деган ибора ҳам салбий маъноли бўлиб қолди), болаларга мос нашрга обуна ташкил этишса (фақат бу маблағ айнан обунагагина йўналтирилса) нима қилибди? Ўқувчининг газета-журнал, китоб ўқиши учун ота-она, педагоглар масъул бўлмаса, ким масъул? Ёки қайсидир ўқувчи (албатта, баъзи катта ёшлилар ҳам) ўқишга бўлган эҳтиёжини ўзи сезиб қолиб, обуна уюштирувчини қидириб юрганини кўрганмисиз? Гўдакка унинг томоғини ғиппа бўғадиган, лекин у ўзи хоҳлайдиган шоколад фойдалими ёки бўғилган томоқни даволовчи, лекин у хоҳламайдиган аччиқ таблетка? Ёки бўлмаса, аксар болага дарсини ўқишдан кўра кўча чангитиб ўйнаш маъқулроқ кўринишига нима дейсиз? Одоб-ахлоқимни тузатай деб, тарбиявий дарсга қатнаётган одобсиз борми? Ҳа, ҳар доим ҳам ёқимлиси фойдали бўлавермайди. Мен ҳозирча шундай деб ўйлайман.

Шу томонларига қараб, бугун ҳеч тортинмасдан нашрларни севиб ўқиладиган ва кам ўқиладиган ёки умуман ўқилмайдиганларга ажратишади. «Севиб ўқиладиганлар»нинг сеvimлилиги сабабини айтдик. «Айтсам тилим, айтмасам дилим...» деган мақолимиз бот-бот кўнглимдан кечади бу ҳақда ўйласам. Ҳа, айтмоқчи, «Айтсам ўлдирарлар, айтмасам ўлам» деган машҳур кўшиқни ҳам шу тобда эслаяпман. Нега, десангиз, «сеvimли» нашрларни сеvuвчилар шу қадар кўпки ва шу қадар сўзга чечан ва беҳижолатки, бир сўздан қарши сўз айтса, тилингни тиясан, икки сўздан айтса тилингни тишлаб қоласан. Балки вақт ҳакамлик қилар, дейман шунда...

Яқинда бир даврада «фалон газетани ҳеч ким ўқимайди», деган гап ҳам айтилди. Афсуски, бу даврада шу газетага ўқувчи бўладиганларнинг ўзи йўқ эди. Ана шундай ноҳолис баҳслар нашрларнинг жамиятдаги ўрнини сунъий равишда пасайишига хизмат қилади холос.

Шу фикрлар соҳиби сифатида, «пичоқни аввал ўзинга ур, оғримаса бировга» деганларидек, энди «биз ҳимоялаётган нашрлар шу даражада чиқаяптими ўзи», деган саволни бериб кўриш ўринли. Шубҳасиз, масала шундай қўйилса, у шундай қараш билан баҳоланса, менимча, фойдали иш қилган бўламиз.

ХАБАР АГЕНТЛИКЛАРИДА ХАБАРНИ ИЗЛАБ



Бахтиёр АБДУКАРИМОВ. 1972 йилда Тошкент вилояти Бекобод туманида туғилган.

Тошкент Давлат университети ва Анқара университети журналистика факультетларида тахсил олган.

2000 йилдан бери Туркиянинг Анадолу ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири сифатида фаолият юритиб келмоқда.

2014-2015 йилларда Украина пойтахти Киевда, 2010 йилда Қирғизистонда «Анадолу» агентлигининг мухбири сифатида ишлаган.

2012 йили «Олтин қалам» Миллий мукофоти билан тақдирланган.

Журналистлик фаолиятимиз давомида, айниқса, расмий хабарлар эълон қилинганида бошқа манбалар танқислиги сабабли маҳаллий газеталар ва ахборот агенликларидан ҳам манба сифатида фойдаланишга, бу нашрлар эълон қилган материалларни кўздан кечиришга тўғри келади.

Бу материаллар баъзан қўл келади, баъзан эса хабарларда керакли маълумотларни тополмай, хуноб бўламиз.

Бу мулоҳазаларимда, асосан, газеталаримизнинг биринчи саҳифасида муқим ўрин эгаллаши керак бўлган янгиликлар жанрига эътибор қаратишга ҳаракат қилган ҳолда, мавзуимизни

шартли равишда «Хабар агентликларида хабарни излаб» деб номладик ва асосан ахборот агентлигида эълон қилинган хабарларни таҳлил қилишга уриндик.

Ўзбекистон матбуотида, айниқса, босма нашрларда янгиликлар жанри ҳали ўз мавқеини тўлиқ эгаллаган деб бўлмади. Балки шу сабабли газетхонлар орасида босма нашрлар у қадар ҳам оммавий эмасдир.

Аслида, «Бунга ўқувчи тайёрми?», «Газетхон янгиликларни ўқишга қизиқадими?» деб савол кўядиганлар ҳам топилиши мумкин.

Жавоби эса оддий. Охириги пайтда фақатгина янгиликларни бошқа нашрлардан кўчириб ёки таржима қилиб бўлса ҳам бериб борувчи интернет нашрларига бўлган қизиқиш ва ушбу нашрларнинг кўплаб ўқувчи оммасига эга бўлиб бораётгани янгиликларнинг омма учун қизиқарли эканлигини ва ўз ўқувчиси борлигини кўрсатади.

Энди, шундай бир шароитда босма нашрлар, биринчи навбатда, интернет нашрлари билан рақобат қила олиши ва бу рақобатда ўз мавқеини мумкин қадар сақлаб қолишлари керак бўлади.

Шу жиҳатдан босма нашрларнинг биринчи галдаги вазифаси – ўқувчилар учун қизиқарли бўлган ва долзарб мавзудаги янгиликларни, воқеа-ҳодисаларни оммага ўз вақтида ва объектив бир тарзда етказишдан иборат.

Матбуотнинг ўз журналистик материални ўзи тайёрлаши, аслида, биз ўйлагандан ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Сабаби, ҳар бир журналистик материал субъектив қарашга эга шахс томонидан ёзилади ва қайсидир пайтда, қайсидир қарашни ўзида акс эттиради.

Масалан, бошқа тиллардан таржима қилинган материалларни бериб борадиган интернет нашрлари кўп ҳолларда ўзлари ҳам билмаган ҳолда, бегона мафкурага хизмат қилиши турган гап. Бу эса, «ахборот хуружларига» қарши ўз ғоясига эга бўлмаган жамият учун хавфли ҳисобланади.

Фақатгина фактлардан иборат бўлган янгиликлар замирида

ҳам баъзан жуда катта сиёсат ва мафкура ётганлигини кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан баъзи давлатлар ўзаро зиддиятли вазиятларда ахборот воситаларидан қурол сифатида ҳам фойдаланган ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Буни Украина, Сурия ёки бошқа давлатлардаги воқеалар мисолида кўрганмиз. Шу жиҳатдан хабар ва янгиликлар, жамият фикрига таъсир қилувчи энг кучли воситага айланади.

Шундай экан, айниқса, бошқа тиллардан таржима қилинган хабарларни нашр қилганда янгилик ва унинг манбаси ишончлилигига ва бир ёқлама эмаслигига эътибор қаратиш керак.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, матбуот ва ахборот агентликлари ўзларининг моддий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, кундалик янгиликларни тайёрловчи ва воқеа-ҳодисаларни жойларга бориб ёритувчи мухбирлар тармоғини яратишга ва уни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоғи керак.

Бу борада, биринчи навбатда, ЎзАнинг, Ўзбекистон учун муҳим бўлган давлатларда ўз мухбирлик тармоғини яратиши кечиктирилиб бўлмайдиган ишлар сирасига киради.

Тайёрланган янгиликларнинг аввало «Ким, Нима, Қачон, Қаерда, Қандай ва Нега» саволларига жавоб бериши кераклигини яна бир бор эслатган ҳолда, бу саволларга жавоб топилмаган хабар ва янгиликлар ўқувчида ҳам турли саволлар уйғотиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Бу саволларга жавоб берадиган янгиликлар тўғри ёзилган бўлиши билан бир қаторда, ўқувчи оммаси учун қизиқарли бўлишини ёдда сақлашимиз даркор.

Журналист томонидан тайёрланган хабарларнинг, ҳаққоний ва объектив ёзилган бўлиши ва тезкорлик билан юборилиши агентликлар томонидан тайёрланган хабарларда муҳим роль ўйнайди. Тайёрланган хабарда сарлавҳа ва биринчи параграф жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Шу ўринда Украинада ишлаган пайтимизда тайёрланган бир хабарга эътибор қаратаман.

«Украинанинг Славянск шаҳридаги жанглар

- Қуролли тўқнашувда 5 фуқаро ўлди

- Николаевка шаҳарчаси айирмачилар қўлига ўтди

Украинанинг шарқидаги Славянск шаҳрида ҳукумат кучлари ва айирмачилар ўртасида бўлиб ўтган жангларда 5 фуқаро ўлди, Николаевка шаҳарчаси айирмачилар қўлига ўтди».

Кўрганимиздек, шу биргина сарлавҳа, тагсарлавҳа ва хабарнинг кириш қисми битта хабар учун керакли бўлган барча элементларни ўзида жам қилган.

Тезкор равишда узатилиши керак бўлган хабарларни тайёрлашда «Тезкор хабар», русча айтганда «Молния» усулидан ҳам фойдаланилади.

Муҳим воқеа ва ҳодиса рўй берганида ёки баёотлар берилганида воқеанинг тезкор равишда оммага етказилиши учун қисқа ва лўнда хабар берилиши керак бўлади.

Асосан, ахборот агентликлари, радио-телевидение ва интернет нашрлари учун хос бўлган жанр ҳисобланган янгиликларнинг бу тури ҳам ўзбек матбуотида кенг ишлатилиши керак. Акс ҳолда, вақтли матбуот ўзининг тезкорлик хусусиятини қайсидир маънода йўқотиб қўйиши ҳам бор гап.

Тезкор хабарнинг жуда оз сонли сўзлардан иборат бўлишининг ўзи етарли ва бу ўқувчининг эътиборини тортиш билан бирга, журналист учун ҳам воқеа-ҳодисанинг кейинги тафсилотини ўргангунга қадар қўшимча вақт имконияти яратади. Масалан, «Донецк яқинларида йўловчи самолёти кулади». Бу тезкор хабар учун етарли. Бундан кейин бериладиган хабарларда эса бу воқеа билан боғлиқ қолган тафсилотлар берилиши мумкин.

Ўзбекистон тажрибасида эса тезлик билан бериладиган тезкор хабарлар деярли учрамайди. Ҳолбуки, тезкор берилиши керак воқеа ва ҳодисалар, баёотлар етарлича. Лекин Ўзбекистон тажрибасида хабарнинг бу шакли деярли ишлатилмайди. Сабаби эса оддий – вақтнинг қадри йўқ, бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисадан оммани тезкор хабардор қилишдан манфаатдор эмас. Энг асосийси, газеталарни хабар ва янгиликлар билан таъминловчи ЎзАга бошқа рақобатчи ҳам йўқ. Бундай ҳолатда на ривожланиш,

на хабарни тезроқ етказиш истаги бўлади.

Кундалик нашр қилинмайдиган газеталарнинг хабарларни тезкор нашр қилиш имкони йўқлиги эса аввал бошдан хабар ва янгиликларни тезкор беришнинг барибир самарасиз бўлишига «ҳисса» қўшади.

Бунинг учун, албатта, оммавий ахборот воситаларида ҳам агентлик тарқатаётган хабарларни тезкор равишда нашр қилишга талаб ва истак бўлиши керак. Бизда эса баъзи газеталар сиёсий партияларнинг агитация ва пропаганда қуроли, адабиёт гулшани бўлиш вазифасини кўпроқ удаламоқда. Мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини акс эттирадиган хабарларни тезкор равишда бериш ҳали урфга айланмаган.

Муҳим хабарлар берилиши керак бўлган биринчи саҳифада эса, бунинг ўрнига, ҳеч қачон эскирмайдиган ва долзарблик аҳамият касб этмайдиган мақолалар эълон қилинади.

Босма нашрлардаги бош мақолаларга эътибор берадиган бўлсак, газета қанчалик кундалик бўлса ҳам, бир неча кунлаб эскирмайдиган қайсидир ишлаб чиқариш корхонасининг ютуқлари суратлари билан бош саҳифада бош мақола сифатида нашр қилиниши одати ҳали ҳам кўплаб нашрларимизда сақланиб қолган. Мазкур нашрлар бу қолиплардан воз кечмас экан, тезлик билан ўзгараётган жамиятда энг сўнги янгиликдан тезроқ хабардор бўлишни истаётган кенг ўқувчи оммаси эътиборини тортолмайди ва интернет нашрлари билан рақобат қилолмасдан, ўз ўрнини уларга бўшатиб беришда давом этади.

Аслида, ҳатто ҳар қуни чиқмайдиган газета ҳам, бу тезкор хабарни олиб ўз сайтида эълон қилиши ва бу орқали интернет фойдаланувчилари орасида оммалашиши, шу орқали интернет рекламаларига эга бўлиши ҳам мумкин.

Афсуски, жамиятда рўй бераётган муҳим воқеа ва ҳодисаларни тезкорлик билан бериш кўплаб газеталар учун иккинчи даражали бўлиб қолган. Улар асосан кенг оммага қизиқарли бўлмаса ҳам, ўз муассисларининг эътиборини тортадиган материаллар беришни афзал билишади.

Акс ҳолда, аввалги йилларда Когондаги ҳарбий омборда рўй берган портлаш, кимё заводидаги захарланиш ва бошқа

кўплаб муҳим воқеалар ўқувчисига тезкорлик билан етказилган бўлар ва ўзбек оммаси мамлакатда бўлиб ўтган шу каби муҳим воқеалардан хорижий оммавий ахборот воситалари орқали эмас, ўзбек матбуоти орқали хабардор бўлган бўлар эди. Бунга жуда кўп мисоллар бор.

Энди ўзбек матбуотида берилаётган хабарлар ва уларнинг сарлавҳаларига тўхталсак. Бунда ўзим иштирок этган Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган учрашуви ниҳоясидаги матбуот анжуманини мисол келтираман.

Охирги пайтда ЎЗАда берилаётган хабарларни тезкор равишда беришга ҳаракат қилинаётганини ҳам эътироф этган ҳолда, бу хабарни ЎЗА мумкин қадар тезкор беришга ҳаракат қилганини кўраимиз. Акс ҳолда, биргина матбуот анжуманидан 4 та хабар бермаган бўлар эди. Аслида, бу ҳам ЎЗА учун катта янгилик. Чунки авваллари, хорижий давлат раҳбарларининг шу каби расмий ташрифлари пайтида ўтказилган матбуот анжуманларидан биттагина хабар тайёрлаш ва уни ҳам бир неча соат кейин бериш ҳоллари кўп учраган.

Бу сафар эса ЎЗА биргина матбуот анжуманидан 4 та хабар тайёрлади. Сарлавҳаларга эътибор берадиган бўлсак, «Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани ўзбекча лутф қилди», «Қарийб 20 ҳужжат ва 40 дан зиёд экспорт шартномаси имзоланди», «2018 йил Афғонистонда Абу Райҳон Беруний илмий меросига бағишланган халқаро конференция ўтказилади» ва ниҳоят, кеч соат 19.00да берилган хабарда эса «Давлатимиз раҳбарининг Афғонистон Президенти билан ўтказилган музокаралар якуни бўйича ОАВ вакиллари учун баёноти».

Аслида, хабар сарлавҳалари қисқа, эътибор жалб қиладиган ва воқеанинг асосини акс эттирадиган бўлмоғи керак. Энди биргина «Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани ўзбекча лутф қилди» сарлавҳали хабарга кўз ташлаймиз:

«Кўксаройда ўтган музокаралар якунида Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани ўзбек тилида гапирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев буни олқишлаб, бу халқларимизнинг тарихи, тили, маданияти яқинлигининг далолати эканини таъкидлади». Хабар тугади.

Хўш, буни қандай хабар турига киритамиз?! Бу хабарнинг яна бир хусусияти, Ашраф Ғанининг матбуотга берган баёноти аке эттирилган ягона хабар. Бошқа хабарларда Ашраф Ғанига оид баёнотлар учрамайди. Шундай экан, Ғанининг шунча баёнотлари турганда, унинг қоғозга қараб қийналиб сўзлаган ўзбекчаси шунчалик ҳам муҳимми ўзбек жамоатчилиги учун?!

Аслида, журналист Ғанининг айтган сўзларидан бошқа муҳим хабарларни чиқарса бўлар эди. Мисол учун, Осиёнинг жануби ва шимолини, шарқи ва ғарбини боғлашга қаратилган Афғонистоннинг «Осиё қалби» ташаббуси ва унинг Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланиши, Афғонистоннинг Мозори Шариф – Шибирғон – Ҳирот шаҳарларини боғловчи темир йўлининг Ўзбекистон томонидан қурилиши лойиҳаси, Ўзбекистоннинг Афғонистонга электр энергияси етказиб бериши масаласида билдирган фикрлар аҳамиятга молик эди.

Шу ўринда, худди шу матбуот анжуманида иштирок этгандан сўнг ўзим тайёрлаган хабарнинг сарлавҳаси ва кириш қисмига кўз югуртираимиз:

«Афғонистон Президенти Ашраф Ғани Ўзбекистонда».

«Ўзбекистон Афғонистоннинг Мозори Шариф – Шибирғон – Ҳирот шаҳарларини боғловчи темир йўлини ва ўзбек электр энергиясини Афғонистонга етказиб берувчи Сурхон – Пули Хумри электр узатиш линиясини қуради».

Шундан сўнг, Ашраф Ғанининг Ўзбекистонга ташрифи, жаноб Мирзиёев билан учрашуви ва матбуот анжуманидаги баёнотларига жой бердим.

Хабар тайёрлашда воқеаларга глобал нуқтаи назар билан қараш ҳам муҳим ҳисобланади. Сабаби, баъзан икки раҳбар ўртасидаги учрашув ва расмий ташрифлар қолиб, бу учрашувларда берилган баёнотлар биринчи планга чиқади. Шундай ҳолатларда журналист расмий ташриф тафсилотлари қолиб, давлат раҳбарининг берган баёнотига эътибор қаратади.

Яна бир муҳим хусусият – бетарафлик қоидаси. Бетарафлик қоидаси – воқеа-ҳодисаларни холислик билан ёритиш ва воқеа-ҳодисаларга бетараф қолиш билан бир қаторда, хабарда ишлатилаётган сўзларда ҳам бетараф қолишга ҳаракат қилишдир.

Ахборот агентликлари ёки газеталарда берилаётган хабарларда журналист эгалик қўшимчаси ишлатишдан тийилиши керак. Масалан, «Ашраф Ғани мамлакатимизга келди», «Давлатимиз мадҳияси», «байроғимиз» каби сўзлар ўрнига «мамлакатга келди», «давлат мадҳияси», «мамлакат байроғи» ва шу каби сўзларни ишлатиш маъқулроқ.

Яна бир масала, айниқса, расмий хабарларда давлат раҳбари томонидан айтилган маълумотлар худдики журналист томонидан айтилаётган фикрдек баён қилинади.

Тайёрланаётган материал, агар у таҳлилий мақола бўлмаса, журналист фақатгина қуруқ фактларга ўрин бериши, турли шарҳ ва изоҳлардан узоқ туриши керак. Акс ҳолда, журналист ўқувчини ўз фикрлари билан чалғитиши ва ўз томонига «оғдириб» олиши мумкин. Бунга эса янгиликлар журналистикасида қалам тебратаётган журналистнинг маънан ҳаққи йўқ.



МУНДАРИЖА

Саъдулла ҲАКИМ (Ҳакимов) ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИ, ЭНГ ЯҚИН ҲАМКОР	5
Ахмаджон МЕЛИБОЕВ ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР БЕШ СЎЗ	16
Навбаҳор ИМОМОВА АХБОРОТ ҲУКМРОНЛИГИ	22
Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБ ТАЖРИБАСИДАН	31
Паҳлавон СОДИҚ ЖУРНАЛИСТГА ЭРКИНЛИК КЕРАК	37
Муҳаммаджон ОБИДОВ МАТБУОТНИНГ «МАҲАЛЛИЙ»СИ БЎЛМАЙДИ	45
Ўктамбек КАРИМОВ (Сарвар Усмон) ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ТЎРТТА «Т»СИ	50
Чори ЛАТИПОВ ДАРД АЙТСАНГ ДАРДЛАШГУЛИК	58
Бахтиёр АБДУКАРИМОВ ХАБАР АГЕНТЛИКЛАРИДА ХАБАРНИ ИЗЛАБ	63

**Ҳаракатлар стратегияси: ислохотлар жараёни ва оммавий
ахборот воситалари (Анъанавий VII-Чимён ўқув медиалагери
сессияларидаги маърузалар)**

Наширға тайёрловчи:

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона
вилояти бўлими

Манзил:

Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Тел: (0373) 226-51-92

e-mail: jurnalistlar.uyushmasi@yandex.ru

Бичими: 84x108 _{1/32}. Шартли босма табағи: 2,25 Times
гарнитураси. Адади: 500 дона.
Буюртма №

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонаси.
100097. Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.